Банк бизнесининг хатарга мойиллиги кўпгина давлатларда депозитларни мажбурий суғурталаш ҳисобига такомиллаштирилади. Банк фаолияти давомида депозитларнинг, аҳоли ва ташкилотлар маблағларининг хатарга қўйилиши, бой берилиши, йўқотилиши ёки ўзлаштирилиши кўпгина молиявий адабиётларда «ахлоқий» хатар сифатида қаралади ва бошқа томондан маълум бир хавфли фаолият оқибатларини юмшатиш учун қилинган ҳаракат яна шунга ўхшаш фаолиятни амалга ошириш эҳтимолини ошириш билан боғлиқ, деб изоҳланади[5].

Банкларда корпоратив бошқарув тизимининг ўзига хос жиҳатларидан бири шуки, бунда банк фаолиятида кузатиладиган турли тоифадаги таваккалчиликлар, хатарлар, рискни бошқариш асосий ўринга қўйилади ва бу жараён банкларда ички назорат тизимининг муҳим элементи сифатида қаралади. Бошқача айтганда, банк рискини самарали бошқариш ва банкдаги корпоратив бошқарув – битта медалнинг икки тарафи ҳисобланади[6].

Маълумки, банк назорати бўйича Базель қўмитаси 12 тоифадаги банк рискларини алоҳида ажратиб кўрсатади: Тизимли, Стратегик, Кредит, Мамлакат, Бозор, Фоиз, Ликвидлилик, Валюта, Операцион, Ҳуқуқий, Репутацион (Обрў) ва Риоя қилмаслик хатари[7].

Банкда корпоратив бошқарувнинг тўғри йўлга қўйилмаслиги, банк рискини нотўғри ёки самарасиз бошқариш бир қарздор ёки ўзаро алоқадор қарздорларга, банкка дахлдор шахсларга белгиланган меъёрлардан кўп миқдорда кредитлар ажратилишида, узоқ муддатли бўлмаган кредит сиёсати юритилишида, асосий ҳал қилувчи ходим ва таркибий тузилмалар устидан етарли назорат ўрнатилмаган-

[4] *Батафсил маълумот учун қаранг. Ciancanelli, op. cit. P. 2–3; Caprio G., Levine R. Corporate governance of banks: concepts and international observations. Global corporate governance forum. April 2003. P. 10–11 (http://iicg.som.yale.edu/news/april_5/CAPRIO.pdf); Levine R. The corporate governance of banks: a concise discussion of concepts and evidence. Global corporate governance forum. July 2003. P. 7–11.*

[5] *Demsetz R., Saidenberg M., Strahan P. Agency problems and risk taking at banks//FRBNY Staff reports. 1997. №29.*

[6] *Грачева М., Арабова Н., Особенности корпоративного управления в банках. проект IFC, журнал «Управление компанией» №7-8 (http://www.misbfm.ru/node/6920).*

[7] *Core principles for effective banking supervision. Basle. September 1997. P. 20–22 (http://www.bis.org/publ/bcbs30a.pdf); Enhancing bank transparency. Basle. September 1998. P. 9, 21 (http://www.bis.org/publ/bcbs41.pdf); The compliance function in banks (consultative document). Basel. October 2003. P. 1 (http://www.bis.org/publ/bcbs103.pdf).*

лигида ва бошқа бир қатор ҳолатларда ўз ифодасини топади.

Юқоридаги каби ҳолатлар ихтиёрий мамлакатларда, жумладан, ривожланган мамлакатларда ҳам учрайди, шу ўринда қуйидагиларни эсга олиб ўтиш ўринли бўлади:

❖ қониқарсиз ёки талабга жавоб бермайдиган кредит сиёсати юритилиши натижасида юзага келган АҚШдаги (1980 йиллар ўрталарида) ва Япониядаги (1990 йиллар) банк инқирози;

❖ қимматли қоғозлар бўйича трейдер Ник Лисон (Nick Leeson)нинг ҳаракати туфайли Британия банки Baringsнинг таназзулга учраши (1995 й.)[8].

Шу каби воқеалар ва ҳолатлар ривожланаётган ва ўтиш иқтисодига эга давлатлар иқтисодиётига ҳам хос бўлиб ҳисобланади, жумладан:

❖ Мексикада 1990 йилларнинг иккинчи ярмида 20 фоиз банк кредитлари ўзаро алоқадор ва тил бириктирган шахсларга бозор фоиз ставкаларига нисбатан 4 фоиз ва ундан арзонроқ фоизда ажратилганлиги ва шу билан бирга уларни қайтариш эҳтимолида хатар даражаси бошқа кредитларга нисбатан 3 марта юқорилиги кузатилган[9];

❖ худди шу даврда Индонезия банклари «ички кредитлаш» мақсадида (ходимлар, менежерлар ва директорларга) акциядорлик капиталидан 2 марта кўпроқ миқдорда кредитлар ажратишган[10];

❖ 2002 йилларнинг бошида Хитойда ҳаракатсиз («ёмон») кредитлар расмий маълумотларга кўра 343 млрд. АҚШ долларини, норасмий маълумотларга кўра 480 дан 604 млрд. АҚШ долларигача бўлган миқдорни ташкил этган. Шу каби шубҳали ёки умидсиз кредитларнинг мамлакат ЯИМдаги улуши 44-55 фоизни ташкил этган, шу билан бирга, ушбу кўрсаткич бошқа Осиё давлатларида ҳам катта миқдорларда кузатилган, жумладан, Малайзияда (36-48%), Таиландда (36-41%), ривожланган мамлакатлар ичида нисбатан юқори кўрсаткич Японияда 25-26%ни ташкил этган[11].

Қўмитанинг 2006 йилдаги Йўриқномаси корпоратив бошқарувнинг асосий масалаларини ёритган эди. 2006 йилдаги Йўриқномада асосий фикрлар қуйидагилардан иборат бўлди:

❖ Банк стратегиясини тасдиқлашга банк Кенгаши жалб қилиниши ўринли, мақсадга мувофиқ бўлади;

❖ Мажбуриятларнинг аниқ чегаралари ишлаб чиқилиши ва ташкилотнинг барча муносабатларида қатъий ўрнатилиши лозим;

❖ Мукофотлаш ёки рағбатлантириш сиёсати банкнинг узоқ муддатли мақсадларига мувофиқ бўлиши керак;

❖ Операциялар туфайли юзага келган хатарлар ва ошкоралик етишмаслиги мутаносиб равишда баҳоланиши ва бошқарилиши лозим.

Қўмитанинг 2006 йилдаги Йўриқномаси нашридан кейин ҳам банкларда корпоратив бошқарув бўйича бир қатор хато ва камчиликлар, ҳисобга олинмаган ҳолатлар борлиги намоён бўлди. Айниқса, бу 2007 йил ўрталарида бошланган молиявий инқироз жараёнида ошкора кўринди[12]. 2007 йилда бошланган молиявий инқироз, унинг келиб чиқиши, сабаблари, оқибатлари бир қатор тадқиқотлар учун алоҳида мавзу сифатида таҳлил қилиниши мумкин. Шу боис, мавзудан четлашмаган ҳолда, банкларда корпоратив бошқарувни ташкил этиш жараёнида йўл қўйилган камчиликларга

> Банк назорати бўйича Базель қўмитаси 12 тоифадаги банк рискларини алоҳида ажратиб кўрсатади: Тизимли, Стратегик, Кредит, Мамлакат, Бозор, Фоиз, Ликвидлилик, Валюта, Операцион, Ҳуқуқий, Репутацион (Обрў) ва Риоя қилмаслик хатари.

---

[8] *Barth R., Trimbath S., Yago G. The savings and loan crisis: lessons from regulatory failure. Boston, 2004; Nakaso H. The financial crisis in Japan during the 1990s // BIS Papers. 2001. № 6 (http://www.bis.org/publ/bispap06.pdf); Caprio G., Levine R., op. cit. P. 11–12.*

[9] *La Porta R., Lopez-de-Silanes R, Zamarippa G. Related lending // Yale ICF working paper. 2002. № 02-19. P. 3 (http://papers.ssrn.com/sol3/papers. cfm&abstract_id=302128).*

[10] *Tabalujan B. Corporate governance of Indonesian banks: the legal and business contexts // Australian journal of corporate law. April 2001. P. 35 (http://papers.ssrn. com/sol3/papers. cfm?abstract_id =268569).*

[11] *Berger L., Nast G., Raubach C Fixing Asia's bad-debt mess // The McKinsey Quarterly. 2002. № 4. P. 140.*

тўхталиб ўтадиган бўлсак, булар асосан қуйидагиларни ўз ичига олади, жумладан:

❖ Банк Бошқаруви – ижро органи фаолияти банк Кенгаши ва (ёки) назорат қилувчи органлар томонидан етарли даражада кузатилмаганлиги, назорат қилинмаганлиги;

❖ рискни бошқариш сиёсати ва воситалари талабга жавоб бермаслиги;

❖ банк ташкилий тузилмасининг ноаниқлиги, банк фаолиятининг барча деталлари ҳисобга олинмаганлиги ёки нотўғри фаолият юритиб келинганлиги.

Юқоридаги ҳолатлардан келиб чиқиб, Базель қўмитаси 2006 йилдаги Йўриқномасини тўлиқ қайта кўриб чиқишга, тўғрилашга, ўзгартириш ва қўшимчалар киритишга қарор қилди. Мазкур тамойиллар тубдан қайта кўриб чиқилгандан сўнг, Базель қўмитаси 2010 йил октябрда «Корпоратив бошқарувни такомиллаштириш тамойиллари»ни[13] янги таҳрирда тасдиқлади.

2010 йилдан кейинги даврни Базель қўмитасининг «Корпоратив бошқарувни такомиллаштириш тамойиллари» янги таҳрирда тасдиқланиши ва унинг амалиётга жорий этилиши билан боғлиқ равишда **банк корпоратив бошқарувини такомиллаштириш даври** сифатида баҳоласа бўлади.

Базель қўмитаси мазкур ҳужжатни янги таҳрирда тасдиқлар экан, корпоратив бошқарув тамойиллари амалиётга самарали жорий этилишини таъминлашда банклар ва улар фаолиятини назорат қилувчи ва тартибга солувчи органлар-кузатувчилар томонидан мазкур тамойилларнинг ўз амалиётига қабул қилиниши ғоят муҳимлигини ва булар бир-бири билан ажралмас боғлиқлигини алоҳида таъкидлаб ўтган.

Мазкур ҳужжатга мувофиқ, диққат-эътибор қаратилиши лозим деб топилган барча асосий соҳалар қуйида келтириб ўтилган:

1) Банк Кенгаши фаолияти бўйича:

❖ Кенгаш банк олдидаги бизнес ва риск стратегияси, ташкилий, молиявий, барқарорлик ва бошқарувга оид вазифаларни ўз ичига қамраб оладиган барча мажбуриятларини фаол бажариши лозим. Кенгаш яна Бошқарув фаолияти устидан самарали кузатувни, назоратни ташкил қилиши керак.

❖ Ушбу мажбуриятларни бажариш учун банк Кенгаши:

◆ қўйилган мақсадлар моҳиятини тушуниши, ижросини назорат қилиши ва доимий равишда индивидуал ва коллегиал тарзда муҳокамаларни амалга ошириб бориши ва, шунга мос равишда, етарли билим, малака ва қобилиятга эга бўлиши керак;

◆ Кенгаш сифатида ўз иш фаолиятида бошқарув амалиётларига риоя этиши;

---

[12] *Senior Supervisors Group ҳисоботи – report on Observations on Risk Management Practices during the Recent Market Turbulence, March 2008, www.newyorkfed.org/newsevents/news/banking/2008/rp080306.html ва навбатдаги ҳисобот – report on Risk Management Lessons from the Global Banking Crisis of 2008, October 2009, www.newyorkfed.org/newsevents/news/banking/2009/ma091021.html.*

[13] *ИҲРТ ҳам ўзининг тамойилларига молиявий инқироз оқибатлари ва тажрибаларидан келиб чиқиб қўшимчалар киритди. Қаранг: Corporate Governance and the Financial Crisis: Conclusions and emerging good practices to enhance implementation of the Principles, 2010, available at www.oecd.org/dataoecd/53/62/44679170.pdf.*

- самарали кузатувни, назоратни таъминлаб берадиган қатъий ва мустақил рискни бошқариш ҳамда назорат функцияларига эга бўлиши ва қабул қилинган қарорлар ўз вақтида қўллаб-қувватланиши имкониятига эга бўлиши керак.

2) Банк Бошқаруви (юқори поғона менежерлари) фаолияти бўйича:

Банк Кенгаши раҳбарлиги остида банк Бошқаруви банк фаолиятини Кенгаш томонидан тасдиқланган бизнес-стратегия, Рискнинг меъёр даражаси[14] сиёсатларига мувофиқ бўлишини оғишмай таъминлаши лозим.

3) Рискни бошқариш ва ички назорат бўйича:

Ҳар бир банк ўзига яраша ваколатга, мавқега, мустақилликка, таъсир этиш воситаларига эга бўлган ва Кенгашга бевосита бўйсунадиган рискни бошқариш бўйича таркибий тузилмага (камида chief risk officer (CRO) – риск бўйича бош менежер лавозимига, йирик ва халқаро банкларда мос равишда таркибий тузилмага), риоя қилиш тизимига (a compliance function) ва ички аудит, ички назорат хизматларига эга бўлиши керак;

- Банк фаолияти бўйича риск (хатар) доимий равишда кенг қамровли шаклда ҳамда ҳар бир индивидуал ташкилот бўйича ўз вақтида аниқланиши, баҳоланиши ва назорат қилиб борилиши керак;
- Иш режасида ва амалдаги фаолиятида ҳам самарали бўлган ички назорат тизими ўз ўрнида бўлиши лозим;
- Банкда рискни бошқаришнинг ҳушёрлик даражаси (The sophistication of a bank's risk management), мувофиқлаштирувчи ва ички назорат тузилмаларининг фаолияти ҳар доим риск профилидаги ҳар қандай ўзгариш билан бир маромда бўлиши керак;
- Рискни самарали бошқариш банк ичида риск (хатар) тўғрисидаги маълумотларнинг ошкора равишда ва ўз вақтида алмашинувини (тўғридан тўғри корхонада ёки Кенгаш ва Бошқарувга хабар бериш орқали) талаб қилади.

4) Тақдирлаш (мукофотлаш) масалалари бўйича:

- Банк Молиявий Барқарорлик Кенгашининг (the Financial Stability Board's – FSB – собиқ the Financial Stability Forum) ишончли мукофотлаш фаолияти тамойилларини (Principles for Sound Compensation Practices – FSB Principles) амалиётга тўлиқ жорий этиши ва амалга жорий этиш стандартларига (Implementation Standards[15] – FSB Standards) ёки FSB тамойил ва стандартларига мувофиқ келадиган миллий тартибларга риоя қилиши керак.

5) Тизимли ёки тарқоқ (ноаниқ) корпоратив тузилмалар бўйича:

- Банк Кенгаши ва Бошқаруви банкнинг бутун корпо-

[14] Айрим банк ва назорат қилувчи ташкилотлар банк томонидан қабул қилиниши мумкин бўлган риск миқдорини – хатар даражасини ифодалаш учун «risk tolerance» – «рискка чидамлилик» иборасини қўллашади. Бошқалари эса «risk appetite» – «рискка эҳтиёж» иборасидан рискка чидамлиликнинг охирги нуқтаси ва унинг ўртасида йўл қўйилиши мумкин бўлган тафовутни ифодалаш учун фойдаланишади. Банк бошқаруви ва назорат қилувчилар томонидан рискнинг меъёр даражасини тўғри баҳолай билиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

[15] Қаранг: FSF Principles for Sound Compensation Practices, April 2009, www.financialstabilityboard.org/publications/r_0904b.pdf, ва Implementation Standards, September 2009, www.financialstabilityboard.org/publications/r_090925c.pdf.

ратив тузилмасини ва унинг ривожланишини билиши, тушуниши ва бошқара олиши, тизимнинг тўғри асосланганлигини ва турли ноўрин ва номутаносиб мураккабликлардан холи бўлишини таъминлаши керак;

❖ Банк Бошқаруви ва Кенгаши ошкораликка тўсқинлик қиладиган тузилмалар мақсадини тушуна олиши лозим, шунингдек, аниқланган хатарни юмшатишга имкон қидираётган ва маълум позицияда турган тузилмаларда ҳам махсус хатарлардан хабардор бўлиши керак.

6) Ошкоралик ва шаффофлик бўйича:

❖ Шаффофлик – корпоратив бошқарувнинг асосий тамойилларини амалиётга жорий этиш ва уни таъкидлаб ўтишда асосий қуроллардан бири ҳисобланади.

Ушбу ҳужжатда баён этилишича, янги таҳрирдаги мазкур тамойилларнинг амалиётга жорий этилиши банк ёки уюшманинг операциялари ҳажмига, уларнинг мураккаблигига, ташкилий тузилмасига, иқтисодий моҳиятига ва риск профилига мутаносиб бўлиши керак.

Ушбу ҳужжатда баён этилган тамойиллар мамлакат Базель II[16] тизимини қабул қилган ёки қилмаганлигидан қатъи назар маъқул бўлиши таъкидланади. Қўмита Базель II тизимини чоп этганига қарамасдан, корпоратив бошқарув тамойиллари моҳияти муҳимлигини таъкидлаб ўтади.

> 1991 йил ноябрда Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида»ги қонуни қабул қилиниши билан жамиятда мулкчилик муносабатларини шакллантириш жараёнлари бошланди ва бу, ўз навбатида, Ўзбекистонда илк корпоратив муносабатлар шаклланишига асос бўлди.

Шундан келиб чиқиб, ҳар бир молия институтида кенгаш ва бошқарувда ўз ташкилотининг риск профилини тўғри тушунган ҳолда яхши бошқарувга амал қилиш мажбурияти борлиги қайд этилади.

2010 йил октябрдаги Базель қўмитасининг тегишли ҳужжати ўз номи билан «Корпоратив бошқарувни такомиллаштириш тамойиллари»ни белгилаб берган бўлса, ўтган даврда мазкур ҳужжатга биноан банкларда корпоратив бошқарув такомиллашиб борди ва 2014 йил октябрда Базель қўмитаси «Банклар учун корпоратив бошқарув тамойиллари»ни консультатив ҳужжат (Consultative document) сифатида чоп этди ва якуний вариантини 2015 йил июлда тақдим қилди.

Базель қўмитасининг ҳужжатлари Кенгаш ва Бошқарувдан ташкил топган бошқарув тузилмасига мўлжалланган. Қўмита ушбу функцияларга тааллуқли мамлакатларда қонунчилик ва тартибга солувчи тузилмаларда сезиларли фарқ кузатилишини таъкидлаб ўтади.

Айрим мамлакатларда икки поғонали тузилмадан фойдаланишади, кенгашнинг назорат функциясини Назорат кенгаши деб номланган ижро функцияси мавжуд бўлмаган алоҳида ташкилот бажаради. Бошқа давлатдарда кенгаш ваколати кенгроқ бўлган бир поғонали тизимдан фойдаланишади. Айрим мамлакатларда ижрочи менежерларнинг кенгаш аъзоси сифатида айрим масалаларга аралашиб, тўсқинлик қилиб туришига ҳаракат қилишади ва/ёки айримларида шу каби кенгаш аъзоларининг сонини қисқартиришади ёхуд кенгаш ва кенгаш қўмиталарини ижрочи бўлмаган кенгаш аъзоларидан бўлган раис бошқаришини талаб қилишади.

Ушбу номувофиқликлардан келиб чиқиб, ушбу ҳужжат айнан бир махсус кенгаш тузилмасини қўллаб-қувватламайди. Кенгаш ва Бошқарув атамалари назорат ва бошқарув функциясини ифодалаш учун фойдаланилган ва ҳар бир қонунчиликдан келиб чиқиб, шунга мувофиқ талқин этилиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Мамлакатларда корпоратив бошқарувга турли тизимли ёндашувлар мавжудлиги таъкидланади ва ушбу

---

[16] *2009 йил июлда Базель қўмитаси банк бошқаруви ва риск-менежмент амалиётидаги камчиликларни тузатиш мақсадида 2 босқич кучайтирилган стандартларини қамраб олган Базель II тизимини такомиллаштирди. Қаранг: Enhancements to the Basel II Framework, Basel Committee on Banking Supervision, July 2009, www.bis.org/publ/bcbs157.htm.*

ҳужжат турли тизимларда корпоратив бошқарувнинг моҳиятини, ушлаб турувчи ва тенглаштирувчи кучлар тизимини (checks and balances) амалга оширадиган фаолиятни қўллаб-қувватлайди.

Ўзбекистонда акциядорлик жамиятлари, жумладан, банклар фаолиятида корпоратив бошқарувни такомиллаштириш бўйича бир қатор чора-тадбирлар амалга ошириб келинаётганини кузатиш мумкин ва бу борада қуйидагиларни алоҳида қайд этиб ўтиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

1991 йил ноябрда Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида»ги қонуни қабул қилиниши билан жамиятда мулкчилик муносабатларини шакллантириш жараёнлари бошланди ва бу, ўз навбатида, Ўзбекистонда илк корпоратив муносабатлар шаклланишига асос бўлди.

Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш натижасида иқтисодиётнинг турли тармоқ ва соҳаларида дастлабки акциядорлик жамиятлари, ташкилий-ҳуқуқий жиҳатдан турли нодавлат хўжалик субъектлари, жумладан, чет эл сармояси иштирокидаги корхоналар барпо этилди. Жисмоний шахслар ҳамда ҳуқуқий мақомга эга бўлган юридик шахсларда бундай корхоналар эгаси-акциядори бўлиш, уларни бошқаришда иштирок этиш ва фаолиятини назорат қилиш имкониятлари туғилди.

Шу билан бирга, мамлакатимизда мустақилликка эришилгандан кейинги давр мобайнида акциядорлик жамиятлари, жумладан, банклар фаолиятида корпоратив бошқарувнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини, ривожланиш йўналишларини белгилаб берадиган бир қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилди ва амалиётга жорий этилди.

2015 йил 24 апрелда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-4720-сонли фармонига асосан қуйидагилар **корпоратив бошқарув тизимини янада ривожлантиришнинг асосий йўналишлари** этиб белгиланди:

- халқаро тажрибани чуқур таҳлил қилиш ва шу асосда замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш, ишлаб чиқариш, инвестиция, моддий-техник, молиявий ва меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш;
- чет эл капитали иштирокидаги акциядорлик жамиятларини ташкил этиш, акциядорлик жамиятларига хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш учун қулай шароитлар яратиш;
- эски бўлинмалар ва лавозимларни тугатиш, замонавий халқаро стандартлар ва бозор иқтисодиёти талабларига мос янги бўлинма ва лавозимларни жорий этишни инобатга олган ҳолда, акциядорлик жамиятларини бошқариш тузилмасини тубдан қайта ташкил этиш;
- акциядорлик жамиятларини стратегик бошқариш, бошқарув ходимларининг самарали фаолиятини назорат қилишни таъминлашда акциядорлар, жумладан, миноритар акциядорларнинг ролини ошириш;

❖ етакчи хорижий таълим муассасалари билан ҳамкорлик асосида бошқарув ходимларини тайёрлаш ва уларнинг касб даражасини ошириш, шунингдек, акциядорлик жамиятларида раҳбарлик лавозимларига чет эллик юқори малакали менежерларни жалб қилиш.

Шу билан бирга, мазкур фармонга асосан, етакчи хорижий компанияларда бошқарувни ташкил этиш тизимини чуқур ўрганиш асосида ишлаб чиқилган акциядорлик жамиятининг намунавий ташкилий тузилмаси ва Корпоратив бошқарув тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар дастури тегишли иловаларга асосан тасдиқланди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 31 мартдаги ПҚ-2327-сонли қарори билан ташкил этилган Акциядорлик жамиятлари фаолияти самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш бўйича Комиссияси томонидан тегишли вазирлик ва идораларга корпоратив бошқарувни тубдан такомиллаштириш бўйича тегишли вазифа ва топшириқлар берилди.

Мазкур Комиссиянинг тегишли таклифи, унинг Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукумати томонидан маъқулланиши ҳамда тегишли қарорлари асосида Германия ва бошқа иқтисодий ривожланган давлатларнинг етакчи таълим муассасаларини жалб этган ҳолда корпоратив бошқарувнинг ташкилий шакллари ва замонавий услубларини жорий қилишни методик таъминлаш, шунингдек, халқаро талаб ва стандартларга мувофиқ ушбу соҳада бошқарув ходимларини тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини ошириш мақсадида **Корпоратив бошқарув илмий-таълим маркази** ташкил этилганлигини қайд этиб ўтиш лозим.

Мазкур марказ томонидан банклар ва бошқа акциядорлик жамиятлари бошқарув ходимларини тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини ошириш, банк корпоратив бошқаруви бўйича хориж тажрибасини ўрганиш ва уларни Ўзбекистон амалиётига жорий қилиш бўйича олиб борилаётган ишлар истиқболда ўз мевасини бериши кўзда тутилган.

Хулоса ўрнида айтадиган бўлсак, бугунги кунда кўпгина давлатларда банк корпоратив бошқарувининг ривожланиш даражаси, корпоратив бошқарув тамойилларининг амалиётга жорий этилиш ҳолати мазкур мамлакатларда бозор муносабатлари, хусусан, корпоратив муносабатларнинг шаклланиш даражаси, олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг ўзига хослиги, мулкчилик шакллари ва муносабатлари, банк ёки банк тизимининг операциялари турлари ва уларнинг ҳажми, мураккаблиги, тузилмаси, иқтисодий моҳияти, риск профили ва бошқа бир қатор омиллар, корпоратив бошқарув соҳасида маълум бир қарор ёки хулоса қилишга асос бўладиган амалий натижалар, маълум бир йиллар давомида шаклланадиган миллий тажрибанинг тўпланганлик даражаси билан изоҳланади.

Мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотлар туфайли корпоратив бошқарув муносабатларининг шаклланиши ва ривожланиши натижасида банк бизнесини бошқаришда, иш юритиш ва уларнинг фаолиятини назорат қилиш жараёнларида корпоратив одатлар юзага келмоқда.

Мазкур корпоратив одатлар бу борадаги халқаро тажриба ва миллий хусусиятлардан келиб чиқиб тобора такомиллашиб, корпоратив қадриятлар, корпоратив маданият даражасига кўтарилиши нафақат банклар ёки банк тизими ривожи учун, балки банкларнинг мижозлари, омонатчилари, кредиторлари ва ҳамкорлари ҳисобланган барча турдаги тадбиркорлик субъектлари, фуқаролар ва миллий иқтисодиётимиз ривожи учун ўз ҳиссасини қўшади.

ABSTRACTS

STAGES OF DEVELOPMENT OF CORPORATE MANAGEMENT IN BANKS AND ITS PROSPECTS

This article discusses the stages of development of corporate governance in banks and its prospects, as well as the features of amending the instructions of the Basel Committee on Banking Supervision. The article also confirms the fact that at present the essence of corporate governance and its features, as well as the issues of studying corporate governance in banks, is an urgent problem and is developing as an independent research direction.

БАНК ХАТАРЛАРИНИ БОШҚАРИШ ВА УЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Алишер Абидов,
«Трастбанк» ХАБ Яккасарой филиали бошқарувчиси

Мамлакатимизда бозор муносабатларини ривожлантириш, мулкчиликнинг турли шаклларига оид корхоналарнинг пайдо бўлиши, тадбиркорлик субъектларининг молия-кредит муносабатларини ҳуқуқий тартибга солиш алоҳида аҳамият касб этади.

Ҳозирги вақтда кредит соҳасида ўзига хос иқтисодий тўсиқлардан тўлиқ фойдаланиш, мамлакатнинг пул айланишини бошқаришда тубдан янги ёндашувларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш зарур.

Банк хатарлари иқтисодий таваккалчилик тизимининг бир қисмидир, шунинг учун уларнинг табиати мураккаб ҳисобланади ва бошқа иқтисодий хатарлар таъсирини ҳам бошдан кечиради.

Иқтисодиётда таваккалчилик масаласи жуда муҳимдир, чунки у ноаниқлик шароитида қарор қабул қилиш билан боғлиқ. Биз қандай хавф юзага келаётганини тушунишимиз жуда муҳим.

Амалий тажриба шуни кўрсатадики, хавф-хатарни жойида қўллай биладиган ва таваккал қила оладиган киши албатта ғалаба қозонади. Шунинг учун хавф-хатарни қабул қилишга қодир бўлган, лекин зарурий қоидаларга бўйсунадиган кишилар жамият иқтисодий ҳаётининг муҳим воситаси бўлиб, замонавий миллий иқтисодиётнинг барқарор ривожланиши учун қимматли манба ҳисобланади.

БАНК ТАВАККАЛЧИЛИГИ ТУШУНЧАСИ

Замонавий банк бозори хавфли ҳисобланмайди. Хавф ҳар қандай амалиётда мавжуд бўлиб, у фақат турли хил ўлчовларда бўлиши мумкин. Банк операцияларини амалга ошириш учун хавф-хатарни тўлиқ бартараф этиш ва маълум молиявий натижаларни олдиндан кафолатлайдиган вариантларни излаш осон эмас. Бозор шароитида узоқ муддатли бизнесга бундай ёндашувни қўллаб бўлмайди. Шу сабабли банк учун хавфнинг олдини олиш эмас, балки уни камайтириш ва энг паст даражага тушириш муҳим аҳамиятга эга. Банк хавф-хатари деганда одатда маълум бир молиявий операциялар натижасида даромад ёки қўшимча харажатларга эга бўлиш эҳтимоли пастлиги ва баъзан банкнинг ресурслари йўқотилиши таҳдиди тушунилади.

Хатарларни ҳисобга олиш – банк хизматининг асоси. Банклар ўзларининг хавф-хатарларини оқилона назорат қиладилар ва молиявий имконият ҳамда ваколат доирасида амалга оширадилар. Банклар доим катта фойда олишни мақсад қилишади. Аммо бу истак шунчаки йўқотиш эҳтимоли билан туташиб кетади. Банк фаолияти хавфи банкнинг ҳақиқий фойдаси кутилганидан камроқ бўлиши эҳтимоли мавжуд, деган маънони англатади. Кутилаётган фойда қанчалик баланд бўлса, хавф ҳам шунча юқори бўлади. Банк операциялари рентабеллиги ва унинг соддалаштирилган версияси ўртасидаги хавфли муносабатлар бевосита боғлиқлик билан ифодаланиши мумкин.

Қуйидаги ҳолларда хавф даражаси ошади:

- муаммолар кутилмаганда юзага келишида ва режадан фарқ қилишида;
- ўтган тажрибага мос келмайдиган янги вазифаларни белгилаш натижасида;
- раҳбарият моддий ва молиявий зарарни келтириб чиқариши мумкин бўлган зарур ва тезкор чораларни қўлламаслиги натижасида;
- Банк операциялари амалдаги тартиби ёки қонуннинг номутаносиблиги, муайян вазият учун мақбул бўлган баъзи чоралар қабул қилинмаганлиги натижасида.

Банк операциялари жуда хилма-хил бўлиб, уларнинг ҳар бири ўзига хос хусусиятларга эга ва маълум бир хавф даражаси ёки йўқотишнинг аниқ эҳтимолидан кўз юмиб бўлмайди. Банк операцияларининг хилма-хиллиги турли хил мижозлар ва ўзгарувчан бозор шароитлари билан тўлдирилади, бу эса айрим рискларни баҳолаш мезонларини ишлаб чиқишни қийинлаштиради.

Банк операцияларининг деярли барча турлари муайян хавф остида бўлади. Бугунги кунда тижорат банкларининг хатарларини таҳлил қилишда қуйидагиларни ҳисобга олиш керак:

- сиёсий вазият;

- баъзи бир асосий қонун ҳужжатларининг номутаносиблиги, ҳуқуқий асос ва ҳақиқий вазият ўртасидаги номувофиқлик;
- инфляция даражаси ва бошқалар.

Ушбу вазият юзага келаётган банк рискларини ва уларнинг тадқиқот усулларини бирлаштиришда сезиларли ўзгаришлар амалга оширилишини тақозо этади. Бироқ бу таваккалчиликларнинг пайдо бўлиши ва ўз даражасидаги тенденцияларнинг умумий муаммолари мавжудлигини истисно этмайди.

Банклар ўз фаолияти давомида унга таъсир кўрсатувчи ташқи ва ички омилларга, таҳлил қилиш усулларига ҳамда таснифларини бериш усулларига нисбатан бир-биридан фарқ қиладиган турли хилдаги хавфларни ўз ичига олади. Хавфларнинг барча турлари бир-бири билан боғлиқ ва банк фаолиятига таъсир кўрсатади.

Маҳаллий ва чет эллик тадқиқотчилар банк таваккалчиликларини таснифлаш учун асос сифатида ишлатилиши мумкин бўлган турли хил белгиларни таклиф этишади:

- таъсир доираси ёки банк хатарининг омиллари;
- ички ва ташқи муҳитга ёки келиб чиқиш манбаларига боғлиқ бўлган муносабат тури;
- банк мижозларининг ўзига хос хусусиятлари;
- хавфнинг вақт тақсимоти;
- хавфни ҳисоблаш усули;
- банк рискининг даражаси (ҳажми).

Умуман олганда, юзага келадиган омиллар бўйича барча банк хатарлари сиёсий ёки иқтисодий ҳисобланади.

Сиёсий таваккалчилик – сиёсий вазиятнинг корхоналар ишига салбий таъсир кўрсатадиган тарзда ўзгариши (мамлакатдаги ҳарбий амалиётлар, чегараларни ёпиш, товарларни олиб кириш ёки олиб чиқиш тақиқланиши ва ҳоказолар) натижасида келиб чиқадиган хатарлар.

Иқтисодий таваккалчилик – иқтисодиётда, банкнинг ўзида ёки бутун мамлакат иқтисодиётида салбий ўзгариш оқибатида юзага келган хавф. Улар бозор шароитида, бошқарув даражасида ва ҳоказо ўзгаришлар билан ифодаланиши мумкин. Ушбу хавфларнинг асосий турлари бир-бирига боғлиқ ва амалиётда уларни ажратиш қийин.

Банк секторида қуйидаги таваккалчилик турлари ажратилади:

- кредит хавфи, контрагент мамлакат хавфи, валюта хавфи, бозор хавфи, фоиз нисбати хавфи, ликвидлилик даражаси, операцион риск, ҳуқуқий хавф ва репутация хавфи.

Банк таваккалчиликларини энг муҳим хусусиятларга кўра ва уларнинг идентификация қилинган хусусиятларига қараб алоҳида гуруҳларга, кичик гуруҳларга, турларга ажратиш тўғри йўл ҳисобланади.

Бизнинг фикримизча, ҳозирги шароитда юқори даражадаги халқаро иқтисодий интеграция билан ажралиб турган минтақавий хатарлардан ташқари, глобал хавф-хатар ҳақида гапириш мантиқан тўғридир. Бу ерда нафақат бутун инсониятнинг глобал муаммолари, балки дунёнинг кўплаб минтақаларидаги иқтисодий инқирозлар назарда тутилади ва улар иқтисодий жиҳатдан ривожланган мамлакатларда намоён бўлмоқда. Таъсир омилига қараб, ташқи хавфлар орасида сиёсий ва ҳуқуқий хатарларни, иқтисодий хатарлар-



ни ва табиий хатарларни фарқлаш тавсия этилади.

Хорижий тижорат банкларида, хусусан, Англия банкларида хатарларни қуйидаги 5 тоифага ажратишади:

А тоифаси – кичик ёки нол хавфи;

Б тоифаси – одатий хавф;

В тоифаси – хавфнинг ошиши;

Г тоифаси – сезиларли ёки юқори хавф;

Д тоифаси – қабул қилинадиган хавф.

Банк хатарлари очиқ ва ёпиқ турларга бўлинади. Очиқ хавфлар тартибга солинмайди, ёпиқ хавфлар бошқарилиши мумкин.

Фикримизча, таклиф этилаётган тасниф банкни сезиларли ўрганиш нуқтаи назаридан ҳам, банк рискларини баҳолаш ва бошқариш бўйича иш нуқтаи назаридан ҳам амалий аҳамиятга эга бўлган гуруҳлар белгиларини ўз ичига олади. Бундай ҳолатда ҳар қандай таснифлашнинг юқори даражадаги мавқеи ва барча хавфларнинг ўзаро боғлиқлигини унутмаслик лозим.

Хатарларни бошқариш тадбиркорлик субъектларини кредитлаш жараёнида банк ўрганиши лозим бўлган масалаларнинг асосий таркибий қисмидир ва бу ишни кредитлашнинг барча босқичларида – кредит олишнинг дастлабки ҳисоб-китобидан бошлаб, ҳисоб-китобларни якунлаш ва қайта тиклаш (давом эттириш)гача бўлган босқичларда кўриб чиқишдан иборат. Шу билан бирга, таваккалчиликни бошқариш, умуман, қарз бериш жараёнини бошқаришнинг ажралмас қисмидир. Бу қуйидагиларни ўз ичига олади:

> Банк хавф-хатари деганда одатда маълум бир молиявий операциялар натижасида даромад ёки қўшимча харажатларга эга бўлиш эҳтимоли пастлиги ва баъзан банкнинг ресурслари йўқотилиши таҳдиди тушунилади.

- кредит дастурларини таҳлил қилиш;
- кредитни расмийлаштириш;
- кредит операцияларини назорат қилиш;
- кредит таваккалчилиги ва портфель ҳолати тўғрисида ҳисобот;
- банкнинг кредит фаолиятини назорат қилиш;
- кредит операцияларининг рентабеллигини таъминлаш;
- муаммоли кредитларни бошқариш;
- умумий кредит хавфларини назорат қилиш.

КРЕДИТ АМАЛИЁТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА АМАЛГА ОШИРИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ УСУЛЛАРИДА КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ

Хатарларни бошқаришнинг асосий компонентлари қуйидагилардан иборат:

- хавфни тақсимлаш;
- хавф воситачилиги (уни ажратиш шакли сифатида);
- моддий таъминотни (гаровни) қабул қилиш;
- молиявий таъминотни қабул қилиш (кафолат ёки кафиллик);
- кредитнинг юқори фоиз ставкалари учун хавф даражасини белгилаш;
- жисмоний шахсларга қарз берилишини хавф остига олиш;
- кредитлар бўйича зарарларни ҳисобга олиш учун маблағларни шакллантириш.

Бу рискларни бошқаришнинг қуйидаги йўналишларини ўз ичига олади:

- ҳар бир мижознинг доимий мониторинги;
- саноатнинг (субъектларнинг) ҳолатини доимий мониторинг қилиш;
- муайян мижознинг асосий иқтисодий фаолиятини ривожлантирадиган кафолатларни жалб қилиш ва таҳлил этиш;
- риск учун товон олиш (гаров таъминотини сотиш, кафолатлар ва бошқалар).

Хатарларни бошқаришнинг асосий вазифаси шуки, мавжуд бозор шароитлари банкнинг узоқ муддатли кредит стратегияси устувор йўналишлари ва мақсадларига жавоб берадиган бўлса, кредитлаш хизматлари бозорида, шу жумладан, кичик бизнес субъектлари орасида ўз позициясини сақлаб қолиш зарурлигига боғлиқ бўлган хавфларни минималлаштиришдан иборат.

Кичик бизнес субъектларини кредитлашда асосий хавф-хатарларни бошқариш воситаси кафолатланган кредитлар амалиётидир. Кредитлашда гаров одатда кенг маънода қўлланилади ва кўплаб турдаги кре-

дитлар қайтарилиши таъминоти мазмунига эга. Банклар кўпинча кредит портфелларини ишончли ва кафолатсиз турларга ажратадилар. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки қоидаларига мувофиқ, гаровсиз қарз бериш банкни муҳим маблағларни тегишли мақсадли захираларга жойлаштиришга мажбур этади. Бундан ташқари, таъминланмаган кредитларнинг улуши (аслида тадбиркорликни кредитлаш шакли), шунингдек, банкнинг умумий барқарорлиги ва уни таъминлаш учун мўлжалланган махсус стандарт билан чекланади.

Сўнгги йилларда банкларни тартибга солиш ва назорат қилишнинг анъанавий ёндашуви кўплаб ўзгаришларга дуч келди. Банк назоратчилари банк қонунчилигига риоя этилишини назорат қилиш ва уни банкларнинг ўзлари амалга оширадиган рискларни бошқариш жараёнини мониторинг қилиш билан алмаштирмоқда. Яна бир муҳим янгилик – бу мамлакатимизда гаров реестри ва Кредит ахборот миллий институти (КАМИ) маълумотларини юритиш функциясининг тижорат банклари томонидан амалиётда қўлланилишидир. Банк тизимининг таваккалчиликларини тартибга солиш механизмлари хилмахил бўлиб, улар одатда бир-бирини тўлдиради.

Банк тизими даражасида банк таваккалчиликларини тартибга солишнинг асосий механизмлари қуйидагилардир:

- янги ташкил этилган банклар учун минимал маблағлар миқдори;
- капитал етарлилигининг таркиби ва стандартларига қўйиладиган талаблар;
- ички назорат ва рискларни бошқариш хизматларининг ташкил этилиши ва фаолияти стандартлари;
- банкнинг молиявий аҳволи ва умумий таваккалчилиги тўғрисидаги ахборотни ошкор қилиш ва ҳоказолар учун норматив талаблар.

Тижорат банклари даражасида, ташқи баҳолашдан ташқари, ички баҳолаш усуллари ва рискларни бошқариш усуллари (чеклов, ички назорат ва бошқалар), ички рискларни бошқариш механизмлари қўлланилади.

Юқоридаги ёндашув, одатда, банкларнинг фаолиятига чекловлар қўяди ва барча маълум хавфларни тартибга солади. Бироқ замонавий шароитда меъёрий стандартлар тезда ўз етарлилигини йўқотади ва молиявий янгиликлар натижасида янги, тартибга солинмаган хавфлар пайдо бўлади.

Банк фаолиятининг тобора кучайиб бораётганлиги ва янги банк таваккалчилиги пайдо бўлиши банк назорати бўйича қабул қилинадиган ёндашув бугунги динамик бозор шароитларига мос келмаслигини тушунишга ёрдам берди. Замонавий банкларнинг операциялари баъзан жуда мураккаб бўлиб, кузатиб бориш ва назорат қилиш қийинчилик туғдиради.

Ушбу ёндашувда рискларни бошқариш жараёнида ҳар бир қатнашчининг вазифалари қуйидагича тақсимланади:

1. Банк фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш органлари ҳуқуқий муҳит хавфларини бошқаришни рағбатлантириши керак.

2. Банкнинг юқори бошқаруви банкнинг барқарорлиги учун тўлиқ жавобгар бўлиши лозим.

3. Ташқи аудиторлар анъанавий таҳлилни банк рискларини таҳлил қилиш билан тўлдириши керак.

Халқаро тажриба шуни кўрсатмоқдаки, банк тизими барқарорлигини таъминлашнинг асосий норматив ҳужжати – кутилмаган ҳажмлар учун компенсацияга захира яратиш мақсадида банкнинг ўз капиталига қўйиладиган, назорат органлари томонидан тақдим этилган талаблардир. Банк капиталининг хавф даражасига нисбатини доимий таҳлил қилиш рискларни бошқариш жараёнининг энг муҳим элементи ҳисобланади.

БАНКЛАРДА РИСКЛАРНИ БОШҚАРИШНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ

Молия бозорини либераллаштириш ва унинг ўзгарувчанлиги, рақобатнинг кучайиши ва фаолиятни диверсификация қилиш банкларни янги таваккалчиликларга дучор қилади ва рақобатбардош бўлиш учун бизнес ва боғлиқ хавфларни бошқаришнинг доимий йўлларини янгилашни талаб қилади. Банкнинг молиявий барқарорлиги банкнинг юқори даражадаги бошқаруви сифати билан ҳал қилувчи даражада боғлиқ. Банкнинг юқори даражали раҳбарияти тартибга солиш ва назорат қилишнинг янги рискка асосланган ёндашуви асосий элементи бўлиб қолмоқда. Назорат қилувчи органларнинг асосий мақсадларидан бири юқори бошқарувнинг масъулиятини ошириш ва банк рисклари-ни бошқариш тизимини ривожлантириш учун имтиёзларни такомиллаштиришдан иборат.

Халқаро амалиёт корпоратив даражада рискларни бошқариш тамойилларини ишлаб чиқди. Хатарларни бошқариш жараёнининг асосий иштирокчиси банкнинг ишончлилигини таъминлаш учун масъул бўлган Банк Бошқаруви бўлиши керак. Банкнинг таваккалчиликка оид профилини билиш учун Бошқарув хавфни аниқлаши, бошқариш учун етарли тизимни яратиши керак. Рискларни бошқариш стратегиясини яратиш, ҳар бир даражадаги ваколатлар ва мажбуриятларни тақсимлаш, капитал ва хатарнинг миқдор ва сифат кўрсаткичларини тасдиқлаш, шунингдек, рискларни баҳолаш ва бошқариш усуллари, банкда хатарларни бошқариш жараёнини мониторинг қилиш билан боғлиқ рискларни бошқаришнинг ташкилий тузилмасини ривожлантириш унинг функцияларига киради. Рискларни бошқаришни назорат қилиш вазифаси Кенгаш томонидан банк раҳбарларига топширилади.

Хатарларни бошқариш сиёсатини ҳаётга татбиқ этиш учун банкнинг юқори бошқаруви банкнинг жорий бошқарувини амалга оширади. Шунинг учун бир қатор мамлакатларнинг банклари банк менежерлари учун керак бўлган малака ва мувофиқлик (тажриба ва профессионал яхлитлик) стандартларини ўрнатди. Банк барқарорлигини таъминлаш учун рискларни бошқариш барча даражадаги менежерлар кундалик ишларининг ажралмас қисми бўлиши керак.

Амалиёт шуни кўрсатадики, банклар кўпинча юқори хавфларнинг олдини олиш билан эмас, балки самарасиз рискларни бошқариш ва ёмон назорат қилиш натижасида йўқотишларга дучор бўлади.

Молиявий воситаларни жадал ривожлантиришнинг замонавий шароитларида молиявий ҳисоботларни таҳлил қилиш, янги молиявий воситаларга хос мураккаб хатарларни идентификациялаш ва баҳолаш қийин кечади. Ички аудит бошқарувни аниқлашга ёрдам беради ва натижада рискларни бошқаради. Бошқариш жараёнини расмийлаштирмасдан самарали хавфларни бошқариш мумкин эмас. Бошқариш воситаларига қуйидагилар киради: рискларни бошқариш учун ихтисослаштирилган ташкилий тузилмани яратиш; рискларни бошқариш стратегиясини ишлаб чиқиш; рискнинг мақбул даражаси кўрсаткичларини ишлаб чиқиш; рискларни таҳлил қилиш асосида бизнес-қарорлар қабул қилиш; стандартлардан фойдаланиш ва тегишли хавфни баҳолаш учун дастлабки баҳолаш усуллари; хатарларни бошқариш жараёнини ахборот билан таъминлаш.

ABSTRACTS

BANK RISK MANAGEMENT AND THE LEGAL FRAMEWORK

For the bank, it is important not to prevent the risk, but to minimize and reduce its level. Bank risk is a low possibility of making a profit or additional expenses as a result of certain financial transactions, and sometimes the threat of loss of bank resources. The article is devoted to the coverage of legal issues of modern personnel training and development of credit operations, as well as risk management in banks.

БАНК ПЛАСТИК КАРТАЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ОРҚАЛИ ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ҚИЛИШ

Наргиза Ходжикулова,
«Ипотека-банк» АТИБ
Операциялар департаменти
омонат операциялари
бўлими бош мутахассиси

Мамлакатимизда молия-банк тизимининг муваффақиятли фаолияти ушбу тизимда бошқарув жараёнларини самарали ташкил этиш билан белгиланади. Бу эса ўз навбатида банк тизимининг инвестицион жозибадорлиги таъминланиши, шунингдек, банк тизими капиталлашув даражасининг ошиши ва ликвидлилигининг янада мустаҳкамлиги таъминланиши учун асосий омил бўлиб хизмат қилади. Банк тизимининг асосий вазифа ва функцияларидан келиб чиққан ҳолда шуни айтиш мумкинки, банкнинг капиталлашув даражаси, ликвидлилигининг оширилиши ва банкнинг молиявий барқарорлиги банкнинг иннвестицияга муҳтож субъектларга кредитлар беришда ва банк мижозларига юқори даражадаги хизматлар кўрсатишни таъминлашда ҳал этувчи омил ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти ривожланишининг 2017–2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида банк тизимини ислоҳ қилиш, уларнинг молиявий барқарорлигини ва ишончлилигини мустаҳкамлаш, аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг банк тизимига ишончини кучайтириш, банклар депозит базаси капитализациясини чуқурлаштириш ва барқарорлигини ошириш, истиқболли инвестицион лойиҳалар ҳамда кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларини кредитлашни янада кенгайтириш; «рақамли банклар» ва аҳолига чакана хизмат кўрсатишга ихтисослашган банк бўлинмаларининг фаолият юритиш тартибини қайта кўриб чиқиш; етакчи хорижий тўлов тизимлари билан интеграциялашган замонавий чакана тўлов тизимларининг ташкилий-

ҳуқуқий асосларини яратиш ва уларнинг фаолият юритиш маханизмларини белгилаш вазифаси қўйилган. Бугунги кунда банклар мамлакатимиз ҳаётида муҳим аҳамиятга эга вазифалар чин дилдан, тўлиқ ва сифатли бажарилишини таъминлаш, давлат дастурларини амалга ошириш, ҳудудларни ривожлантиришга доир истиқболли лойиҳаларни ҳаётга изчил татбиқ этишда фаол иштирок этиб келмоқда.

«Ипотека-банк» мижозлари халқаро VISA карталарини очишлари ва карта ҳисобрақамлари орқали миллий валютани хорижий валютага конверсия қилишлари ёки нақд шаклда тўлдиришлари, карталаридаги маблағларни нақд ечишлари, улар орқали Интернет тўловларни амалга оширишлари ва хориждан келаётган маблағларни VISA карталарига кирим қилишлари мумкин.

Банк соҳасида асосий кўрсаткичларнинг изчил ўсиш суръати, самарали банк назорати, молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартлар асосида юритилаётгани, инвестициялардан аниқ мақсадларда фойдаланилаётгани кабилар тизимда инвестицион муҳитнинг яхшиланишида муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Тижорат банкларининг рейтинги хорижий инвесторлар учун аҳамиятли кўрсаткич ҳисобланиб, улар муайян бир қарорга келишда айни шу мезонга суянадилар. Бугунги кунда «Ипотека-банк» акциядорлик тижорат ипотека банкининг фаолияти, мижозларга кўрсатилаётган хизматлар сифати ва банкнинг халқаро рейтинг агентликлари томонидан ижобий баҳоланиши хорижий инвестицияларни жалб этишнинг асоси бўлиб хизмат қилмоқда.

Банк тизими ўзининг инвестицион жозибадорлиги туфайли жамиятдаги барча молиявий маблағларни ўзида йиғиш, уни халқ хўжалигининг барча тармоқларига инвестиция ҳолида жойлаштириш каби муҳим вазифаларни бажариши мумкин. Умумий ҳолда ҳар қандай тармоқ томонидан халқаро инвестицияларни жалб қилиш учун маълум йўналишлар мавжуд бўлиб, Пластик карталар йўналиши орқали асосан интеллектуал инвестиция жалб қилинади. Чунки пластик карталар йўналиши банк фаолияти билан узвий боғлиқ бўлиб, бу йўналиш бўйича фуқаролар ва ташкилотлар учун янги замонавий лойиҳалар ишлаб чиқиш ва уларни амалиётга муваффақиятли татбиқ этиш банкка ўзининг мижози бўлган корхона инвестицион жозибадорлигини ошириш имконини беради. Шунингдек, хорижий давлатлар билан

[1] *Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 январдаги «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили»да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида»ги ПФ-5308-сонли Фармони.*

амалга оширилаётган қўшма лойиҳалар пластик карталар йўналишидаги ўсиш суръатини кўрсатади ва давлатнинг халқаро майдондаги нуфузини оширади. Ўз навбатида, инвестиция қилишни режалаштираётган хорижий ташкилот учун банкларнинг ривожланиш стратегияси, инвестицион фаолиятнинг имкониятлари ва шарт-шароитлари ҳақида маълумот берувчи ахборот майдони ва ривожланаётган давлатлардаги ҳар қандай янгиликлар ва тузилган шартномаларни кузатиб бориш имконияти туғилади.

«Ипотека-банк» акциядорлик тижорат ипотека банки ўз фаолияти давомида мижозларга янги технологиялар ва банк хизматларини жорий этиш соҳасида кенг кўламли ишларни амалга ошириб, мижозларнинг талаб ва таклифларини инобатга олган ҳолда, мижозларга нақдсиз шаклда кўрсатиладиган хизматлар доирасини кенгайтириш ва такомиллаштириб бориш баробарида пластик карточкалар бозорида пешқадамлардан бўлиб келмоқда.

Айни дамда «Ипотека-банк» АТИБ томонидан ойлик иш ҳақи лойиҳаси, корпоратив, тижорат карталари ва бошқа турдаги жами 1 500 312 дона миллий валютадаги пластик карталар мижозларга эмиссия қилинган бўлиб, Ўзбекистонда чиқарилган карталар сони бўйича биринчи бешталикка киради. Карталар қолдиғи 2019 йил 1 апрель ҳолатига 302 млрд. сўмга тенг. Шунингдек, «Ипотека-банк» томонидан Ўзкарт тўлов тизимида ишловчи 27 580 терминал, 104 инфокиоск ва 80 банкомат ўрнатилган бўлиб, уларнинг сони 2019 йил якунига қадар ошиши режалаштирилган.

Ипотека-банкнинг яна бир тайёр лойиҳаси – банкнинг мобиль иловасида жорий қилинган Ipoteka-QR хизмати бўлиб, ушбу хизматни йилнинг иккинчи чораги якунига қадар амалиётга тўлиқ татбиқ этиш режалаштирилган. Мазкур хизмат орқали банк мижози бўлган савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларида махсус шаклланган ва тегишли рўйхатга олинган QR-кодлар асосида амалга оширилган харидлар учун тўловларни қабул қилиш мумкин бўлади. Бу хизмат дунё бозорларида кенг тарқалган бўлиб, ўзининг қулайлиги сабабли аҳоли ва хорижлик сайёҳлар эътиборини тортиши тайин.

Шунингдек, ҳозирда мижозларга қулайликлар яратиш, вақтларини тежаш мақсадида корпоратив карталар хисобрақамини масофадан туриб мобиль банкинг хизмати орқали тўлдириш имконияти яратилган бўлиб, бунда Ипотека-банк мижози корпоратив

> Бугунги кунда «Ипотека-банк» акциядорлик тижорат ипотека банкининг фаолияти, мижозларга кўрсатилаётган хизматлар сифати ва банкнинг халқаро рейтинг агентликлари томонидан ижобий баҳоланиши хорижий инвестицияларни жалб этишнинг асоси бўлиб хизмат қилмоқда.

карта ҳисобрақамини ўзига бириктирилган электрон калит ёрдамида электрон тўлов топшириқномаси орқали тўлдириши мумкин.

«Ипотека-банк» АТИБ CLICK ва PAYME ташкилотлари билан ҳамкорлик ўрнатган ҳамда пластик карта эгалари CLICK ва PAYME хизматига уланиш ҳамда бу хизматдан фойдаланиш имкониятига эга. Шу билан бирга, «Ипотека-банк» АТИБ бошқа йирик банклар билан ҳамкорлик асосида P2P амалиётларини бажариш бўйича шартномалар имзоламоқда.

«Ипотека-банк» мижозларга қулайлик яратиш мақсадида овердрафт маҳсулотини 2017 йил 1 чорагидан тўлиқ ишга туширган бўлиб, бу ойлик иш ҳақи лойиҳаси асосида пластик карта қолдиғининг минус кўрсаткичга ўтиш имконини беради ва мижоз овердрафт суммаси миқдоридаги маблағ доирасида картадан фойдаланиши мумкин бўлади. Бунда оведрафт суммаси оведрафт олувчи мижознинг 1 йиллик ойлик маоши ўртача уч ойлиги асосида белгиланади. Ҳозирда овердрафт маҳсулотини янада такомиллаштириш бўйича ишлар давом эттирилмоқда. Бугунги кунда банк томонидан берилган овердрафт кредитлари сони 5 274тани, жами суммаси 22 503 млн. сўмни ташкил этади.

> «Ипотека-банк» акциядорлик тижорат ипотека банки фаолияти давомида мижозларга янги технологиялар ва банк хизматларини жорий этиш соҳасида кенг кўламли ишларни амалга ошириб, мижозларнинг талаб ва таклифларини инобатга олган ҳолда, мижозларга нақдсиз шаклда кўрсатиладиган хизматлар доирасини кенгайтириш ва такомиллаштириб бориш баробарида пластик карточкалар бозорида пешқадамлардан бўлиб келмоқда.

«Ипотека-банк» АТИБнинг 2019 йилги режасига мижозлар учун биринчи босқичда ойлик иш ҳақи лойиҳаси бўйича ҳужжатсиз ва таъминотсиз кредит карталарини жорий этиш киритилган бўлиб, бунда мижозлар кредит карталаридан ўзларига қулай вақтда фойдаланишлари мумкин бўлади, кредит фоизи эса фақат ишлатилган сумма учун тўланади.

Маълумки, замонавий банк тизимида ҳозирда бирмунча оммалашган хизмат тури ҳисобланувчи COBRANDING карталарини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш «Ипотека-банк»нинг 2019 йилдаги навбатдаги янги маҳсулоти бўлиб, бунда банк нафақат ўзига янги мижозларни жалб қилади, балки мижозлар брендини илгари суриш учун ҳам ноанъанавий карталар тақдим этади. Жаҳон тажрибасини кузатар эканмиз, CitiBank Lufthansa авиакомпанияси билан қилган COBRANDING карталари лойиҳаси келтирган муваффақият эътиборга моликдир. Бунда биргина шу лойиҳа

Замонавий банк тизимида ҳозирда бирмунча оммалашган хизмат тури ҳисобланувчи COBRANDING карталарини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш «Ипотека-банк»нинг 2019 йилдаги навбатдаги янги маҳсулоти бўлиб, бунда банк нафақат ўзига янги мижозларни жалб қилади, балки мижозлар брендини илгари суриш учун ҳам ноанъанавий карталар тақдим этади.

натижасида 100дан ортиқ янги корхона шу турдаги карталарга ўз қизиқишларини билдирган бўлиб, булар қаторида Star Alliance авиакомпанияси, Travel Value & Duty Free сайёҳлик фирмаси, Porsche, Die Welt, Mercedes-Benz ва бошқа ташкилотлар ҳам бор. Чунки ўз бренди асосида чиқарилган COBRANDING карталарига эга корхоналарнинг обрўси хорижий ҳамкорлар олдида ҳам бирмунча юқори бўлади. Юқорида таъкидлаганганидек, COBRANDING карталари хорижий йирик ташкилотларнинг ҳам юзи ҳисобланади. Хорижий ташкилотлар олдида Ўзбекистон ташкилотларининг обрўси ошиши ўз-ўзидан хорижий инвестициялар оқимининг ошишига олиб келади. Чунки бренд – корхона юзи бўлиб, хар қандай инвестор янгиликларни, янги имижларни ва инвестиция қилаётган ташкилотнинг бошқа ҳудудий ташкилотлардан ажралиб турувчи томонларини таҳлил қилади ва шу асосда бир хулосага келади. Бундан ташқари, ҳозирда Ўзбекистон ҳудудида жойлашган, корхона уставида хорижий инвесторлар капитали қатнашган бир нечта корхона ҳам COBRANDING карталари лойиҳасига ўз қизиқишларини билдирган.

Ҳозирда «Ипотека-банк» АТИБ мижозлари халқаро VISA карталари очишлари ва карта ҳисобрақамлари орқали миллий валютага конверсия қилишлари (VISA CLASSIC/ ELEKTRON EXCHANGE) ёки нақд шаклда (VISA CLASSIC, VISA CLASSIC EXCHANGE) тўлдиришлари, VISA карталаридаги маблағларни нақд шаклда ечишлари, VISA Classic, VISA Classic Exchange карталари орқали Интернет тўловларни амалга оширишлари ва хориждан келаётган маблағларни VISA карталарига кирим қилишлари мумкин.

Мижозлар халқаро VISA карталарига СМС-хабар хизматини ёқтириш орқали нафақат картадан бўлган чиқимлар тўғрисидаги маълумотларни олиб туришлари, балки карталаридаги маблағ қолдиғини исталган вақтда телефон орқали 2500 рақамига махсус кодли СМС юбориш орқали билиб туришлари мумкин. Бундан ташқари, халқаро VISA карталари орқали ҳар қандай Интернет тўловларни амалга оширишлари мумкин. Бу қулайликлар мижозларнинг чет давлатларига саёҳатларга хотиржам чиқишларига ва, шу билан бирга, қилинган депозит маблағлари ҳисобига банк депозити қолдиғи сезиларли даражада ўсишига замин яратмоқда. Шу билан бирга, 2019 йилнинг 2 чорагида VISA Classic (NFS) контактсиз карталарини эмиссия қилишни жорий этиш, Халқаро карталардан бошқа халқаро карталарга пул ўтказиш, VISA карталар учун 3D Secure функциясини ишга тушириш режалаштирилган. Шунингдек, халқаро пластик карталари бўйича банкка мижозларни жалб қилиш учун янги халқаро пластик карта маҳсулотлари турлари ишлаб чиқилмоқда. Ҳозирда, VISA

STANDART, VISA SILVER, VISA GOLD ва VISA PLATINIUM турдаги маҳсулотлар бўйича ишлар деярли якунланмоқда ва тез орада янги ва қўшимча қулайликларга эга бўлган ушбу турдаги маҳсулотлар мижозларга тақдим этилади.

«Ипотека-банк» АТИБ томонидан 2018 йилнинг март ойидан бошлаб Россиядаги ўзбек мигрантлари алданиб қолиши ва чет давлатида қарзга ботиши хавфининг олдини олиш мақсадида Ўзбекистонда илк маротаба Ташқи Миграция ташкилоти ва Россиянинг ВТБ банки билан ҳамкорликда арзонлаштирилган Халқаро VISA МИГРАНТ карталарини очиш ва карта хисобварағини «Ипотека-банк» АТИБ томонидан мигрантларнинг бирламчи эҳтиёжларга ишлатишлари учун берилган кредитлар билан тўлдириш лойиҳаси ишга туширилди. Бунда ҳозирда 3 428 нафар мигрантга берилган кредитлар мигрантлар ойлик иш ҳақининг маълум қисми кредит ҳисобрақамига ўтказилиши орқали қоплаб борилади. Лойиҳа натижасида кўп мигрантлар муаммоси осон ечим топиши билан бир қаторда Ўзбекистон-Россия ҳамкорлиги янада мустаҳкамланиши, ишчилар орқали давлатимиз ҳудудига валюта кириб келиши ва инвестицион жозибадорликнинг ошишига эришилиши тайин. Ушбу лойиҳанинг мантиқий давоми сифатида Халқаро пластик карталаридан мобиль илова орқали трансчегаравий пул ўтказмаларини амалга ошириш ҳамда Россиядаги ўзбек мигрантларининг Ўзбекистондаги кредитлари сўндирилишини йўлга қўйиш мақсадида Россия Федерациясидаги PAYMO корхонасининг Ўзбекистондаги шўъбаси «Mobile Payment Solution» МЧЖ ва ASBT билан техник топшириқлар ишлаб чиқилиб, тест режимида амалиётлар муваффақиятли ўтказилди ва 2019 йилда уларни қўшимча хизматлар билан янада такомиллаштириш режалаштирилган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 январдаги «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили»да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида»ги ПФ-5308-сонли Фармонида белгиланган талабларни бажариш борасида «Ипотека-банк» АТИБ мижозлари учун чет эл валютасидаги Master Card ва UNIONPAY халқаро пластик карталарини амалиётга жорий этиш юзасидан шартнома имзолади ва тизимни ишга тушириш бўйича тегишли ташкилотлар билан ёзишмалар олиб борилмоқда ҳамда 2019 йил давомида VISA, MasterCard ва UPI тўлов тизимларида электрон тижоратни жорий этиш режалаштирилган.

ABSTRACTS

ATTRACTING FOREIGN INVESTMENT THROUGH THE DEVELOPMENT OF BANK PLASTIC CARDS

The successful functioning of the financial and banking system in our country is determined by the effective organization of the management processes in this system. This, in turn, serves as a key factor in ensuring the investment attractiveness of the banking system, as well as the strengthening of capitalization level and liquidity of the banking system. Intellectual investment are mainly attracted by plastic cards. This article deals with attracting foreign investment through the development of bank plastic cards.

Реклама ўрнида.

БИРЛАШИШ ВА ҚЎШИБ ОЛИШ СИР-СИНОАТЛАРИ: MERGERS AND ACQUISITIONS (M&A)



Амур Джалилов,
«Ansher Capital» МЧЖ ХК Бош директори ўринбосари

Кундалик ҳаётимизда турли хил оммавий ахборот воситалари орқали жаҳонда ҳамда юртимизда юз берган ва режалаштирилаётган, молия соҳасидаги ўзгаришлар тўғрисида маълумотларга эга бўламиз. XX асрдан бошлаб дунё молия бозорлари ва ривожланган давлатларда, хусусан, АҚШ, Буюк Британия, Япония ва бошқаларда Бирлашиш ва Қўшиб олиш, яъни инглиз тилида Mergers and Acquisitions (M&A) тушунчаси корпоратив молия тизимига кириб келди ва M&A атамаси ҳалқаро атамалардан бири бўлиб қолди.

Бозорда рақобатбардошликни таъминлаш ва ўз мавқеини сақлаб қолиш мақсадида компаниялар аксарият ҳолларда органик ўсиш, яъни ички ресурслари ва ривожланиш салоҳиятларини тўлиқ сафарбар этишдан кўра Бирлашиш ва Қўшиб олиш, яъни M&Ани афзал билаётгани кузатилмоқда. Албатта, компания учун M&A тез ва осон усулда янги бозор, имкониятлар ва иқтисодий салоҳият бериши мумкин, аммо M&Анинг ўзига хос хатарлари, моддий, бошқарув, сиёсий, маданий ва бошқа муаммо ҳамда қийинчиликлари компанияларга ҳар доим ҳам бу йўлни оптимал ечим сифатида танлашларига йўл беравермайди.

Бир компания бир ёки бир нечта компанияларни сотиб олиши бирлашиш дейилади ва бунда асосий эътибор тарафлар ўзаро келишган ҳолда бирлашиш ҳақида қарор қабул қилишларига қаратилади. Ушбу бирлашиш натижаси ўлароқ келажакда синергия, яъни бир плюс бир тенг икки эмас, балки уч (1+1=3) бўлиши кутилади, сабаби, бирлашаётган компаниялар ресурслари, салоҳиятлари ва имкониятларини бирлаштирганда иккита эмас, балки учта компания эришиши мумкин бўлган ютуқ ва натижалар кутилади. Қачонки бир компания иккинчи компанияни ўзига қўшиб олса ва унинг устидан назорат ўрнатса, бу битим қўшиб олиш деб номланади. Икки компаниянинг бирлашиш жараёнини бирлашиш ёки қўшиб олиш деб номлаш асосан олиб борилган музокаралар руҳиятига қараб белгиланади. Одатда, бирлашиш дўстона руҳда олиб борилади ва томонлар синергия бўлишини асосий мақсад сифатида илгари суради. Қўшиб олиш ҳолатида томонлар ўзларини душманлардек тутишади ва бири иккинчисини ўзига қўшиб олиб, унинг устидан яққол назорат ўрнатади. Корпоратив молия тизимида бирлашиш ва қўшиб олиш (M&A) ёнма-ён келади ва ҳар доим ҳам музокаралар руҳияти ҳақида етарли асос ва далил бўлмаслиги сабабли буларни фарқлаш жуда мураккабдир.

Бир компания бир ёки бир нечта компанияларни сотиб олиши бирлашиш дейилади ва бунда асосий эътибор тарафлар ўзаро келишган ҳолда бирлашиш ҳақида қарор қабул қилишларига қаратилади.

Қачонки бир компания иккинчи компанияни ўзига қўшиб олса ва унинг устидан назорат ўрнатса, бу битим қўшиб олиш деб номланади.

M&A МАҚСАДИ

Охирги 5 йил мобайнида жаҳон бўйича 10 млрд. АҚШ доллари қийматидан кам бўлган M&A битимлари умумий қиймати барқарор тарзда турибди ва JP Morgan компаниясининг ҳисоботига биноан 2018 йил умумий M&A битимлари қиймати 4.10 трлн. АҚШ долларини ташкил этган. Бу кўрсаткич 2008 йилдаги жаҳон молия инқирозидан аввалги кўрсаткичга яқин миқдорни ташкил этиб, жаҳон молия бозори бу жабҳада етарлича тикланганидан далолат беради (Диаграмма). Компанияларнинг M&Aдан асосий мақсадлари:

- Савдо ва тушумнинг кўпайишини тезлаштириш.
- Янги бозорга кириб бориш.
- Янги мижозлар орттириш.
- Янги технологиялар ва инновациялардан фойдаланиш.
- Харажатларни қисқартириш.
- Рақобатбардошликни ошириш кабилар.

M&A ЖАРАЁНИДА БОЗОРНИ СЕГМЕНТЛАШ

M&A жараёни хусусий корхоналар ва акциядорлик жамиятларининг бирлашиши ва қўшилиши орқали амалга оширилади. Ривожланган давлатларда компаниялар кўрсаткичлари ва даромадларига қараб сегментларга бўлинади. Сегментларга бўлишда M&A жараёнида компаниянинг қандай баҳоланиши, капитал олиш имкони ва харажатлари, трансфер қилиш имкони бор ёки йўқлиги, exit, яъни иштирокчиларнинг чиқиш вариантлари, жараёнга қайси соҳага оид мутахассислар жалб этилиши ва бизнесни қўллаб-қувватлаш кабиларга эътибор қаратилади.

M&A ЖАРАЁНИДА БАҲОЛАШ КОНЦЕПЦИЯСИ

M&A жараёнида компания баҳосини аниқлаш тарафлар учун энг муҳим омиллардан биридир. Жаҳон тажрибасида турли хил баҳолаш усуллари мавжуд бўлиб, қайси бир усулдан фойдаланиш масалаласи баҳолаш мақсадидан келиб чиқиб белгиланади. Масалан, банклар учун қарз қайтарилиши таъминоти мақсади муҳим бўлса, солиқ органлари учун корхонанинг баланс баҳоси устувор аҳамиятга эга. Булардан ташқари, бизнеснинг бозор баҳоси, инвестиция баҳоси, бизнес эгасининг баҳоси ва бошқа баҳолар мавжуд. Бизнеснинг бозор баҳосида компаниянинг тарихи, мижозлари, ҳамкорлари, бозордаги мавқеи ва келажакдаги лойиҳалари ҳисобга олинса, инвестиция баҳосида бу бизнес M&A жараёнидан кейин қанчалик синергияга эришиши мумкинлиги ва капитал қанча миқдорда қайтиши назарда тутилади. Бизнес эгасининг ўз бизнесини баҳолаши энг субъектив баҳолаш ҳисобланиб, бунда бизнес эгаси ўзининг меҳнати ва машақ-

Диаграмма

Жаҳон M&A битимлари миқдори (трлн. АҚШ доллари)



Манба: *https://www.jpmorgan.com/jpmpdf/1320746694177.pdf.*

1-жадвал

2011–2019 йиллар давомида қиймати 20 млрд. АҚШ долларидан ортиқ бўлган 25та M&A битимлари

Ўрни	Йили	Сотиб олувчи	Сотилган	Битим қиймати (млрд. АҚШ доллари)
1	2013	Verizon Communications	Verizon Wireless	130.0
2	2015	Dow Chemical	DuPont	130.0
3	2015	Anheuser-Busch InBev	SAB Miller	107.0
4	2015	Heinz	Kraft	100.0
5	2018	AT&T Inc.	Time Warner	85.4 – 108.7
6	2016	Linde AG	Praxair	85.0
7	2015	Charter Communications	Time Warner Cable	78.7
8	2019	Bristol-Myers Squib	Celgene	74.0 – 95.0
9	2019	The Walt Disney Company	21st Century Fox	71.3 – 85.1
10	2015	Actavis	Allergan, Inc	70.5
11	2015	Royal Dutch Shell	BG Group	70.0 – 81.9
12	2017	CVS Health	Aetna	70.0
13	2015	Dell	EMC Corporation	67.0
14	2018	Takeda Pharmaceutical	Shire plc	62.0
15	2017	Essilor	Luxottica	58.5
16	2016	Bayer	Monsanto	54.5 – 63.5
17	2018	Cigna	Express Scripts	53.0 – 67.0
18	2015	British American Tobacco	R. J. Reynolds Tobacco Company	49.4
19	2015	AT&T Inc.	DirecTV	49.0 – 67.1
20	2016	ChemChina	Syngenta	43.0
21	2015	Medtronic	Covidien	42.3
22	2015	Teva Pharmaceutical Industries	Actavis Generics	40.5
23	2018	Comcast Corporation	Sky plc	39.0
24	2018	E.ON SE	Innogy SE	38.5
25	2015	Berkshire Hathaway	Precision Castparts	37.2

Манба: *https://www.ft.com/content/b7e67ba4-c28f-11e8-95b1-d36dfef1b89a.*

2-жадвал

M&A бозор сегментлари

Таснифи	Кичик бозор	Пастки ўрта бозор	Ўрта ўрта ва юқори ўрта бозор	Юқори бозор
Даромад ҳажми	< $5 млн	$5-$150 млн	$150-$500 млн	$500 млн <
EBITDA ҳажми	< $0.5 млн	$0.5-$15 млн	$15-$50 млн	$50 млн <
Эгалик	Эга-бошқарувчи	Эга-бошқарувчи ёки маҳоратли бошқарувчи	Маҳоратли бошқарувчи	Маҳоратли бошқарувчи
Капиталга муносабат	Пул айланиши муҳим	Бизнес бошқаруви муҳим	Корхона балансидаги соф активлар муҳим	Корхона балансидаги соф активлар муҳим
Эгалик мақсади	Ҳаёт тарзи	Ҳаёт тарзи ва бойлик орттириш	Бойлик орттириш	Бойлик орттириш
Асосий бошқарувчи роли	Ҳамма вазифани бажаради	Баъзи бир вазифаларни ва ўз вазифаларини бажаради	Ўз вазифаларини бажаради	Ўз вазифаларини бажаради
Капитал олиш имкони				
Қарз	Бизнес банкларидан	Тижорат банкларидан	Корпоратив банклардан	Корпоратив банклардан
Улуш	Шахслар ва оилалардан	Тўғридан-тўғри улушга инвесторлардан	Тўғридан-тўғри улушга инвесторлардан ва Акциялар сотиш орқали	Акциялар сотиш орқали
Ўртакаш ёлланиши	Бизнес брокерлари	M&A маслаҳатчилари ва Инвестиция банклари	Ҳудудий ва миллий Инвестиция банклари	Халқаро Инвестиция банклари

Манба: *Marks Kenneth, Middle Market M&A: Handbook for Investment Banking and Business Consulting, Wiley, 2012.*

қатларини бозор баҳоси устига қўшиб ҳисоблайди. Маълумки, бизнес баҳоси ва битим қиймати тарафлар келишувига асосланган ҳолда амалга оширилади, аммо тарафларнинг айни бир бизнес тўғрисида турли нархга тўхталишида қайси жиҳатлар ҳисобга олинганлиги муҳим аҳамият касб этади.

Хусусий капитал бозорида M&A билан турли ўлчамдаги компаниялар шуғулланади ва бу каби жараёнларда компанияларнинг корпоратив ривожланиш гуруҳи ташаббус кўрсатади. Deloitte компанияси тадқиқотига биноан корпоратив ривожланиш гуруҳи асосан қуйидаги вазифалар билан шуғулланади:

- Компания стратегиясини ривожлантириш.
- M&A стратегияси ва мақсадини аниқлаш.
- M&A битимларини бошқариш.
- Ички жараёнларни назорат қилиш.
- Баҳолаш ва таҳлил қилиш.
- Музокаралар юритиш.
- Молиявий Due diligence.
- M&A жараёнидан кейинги интеграция ишлари.

Ҳар бир M&Aдан аввал корпоратив ривожланиш гуруҳи компания молиявий жиҳатдан Due diligence амалиётини ўтайди. Бунда омма учун очиқ бўлган маълумотлардан фойдаланилади ва таҳлил натижасига асосланган ҳолда хулоса чиқарилади. Due diligence икки турда бўлади. Биринчи турдаги Due diligence анъанавий Due diligence бўлиб, асосан молиявий, қонунчилик, солиқ, технология, инсон ресурслари, экология ва бошқа омиллар бўйича ўтказилади. Иккинчи турдаги Due diligence стратегик Due diligence бўлиб, у асосан икки саволга жавоб топиш учун ўтказилади:

1. M&A битими тижорат нуқтаи назаридан қай даражада манфаатли?
2. Мазкур M&A битими орқали биз кўзлаган мақсадларимизга эришамизми?

Стратегик Due diligence чуқур таҳлил-тадқиқ ишлари олиб борилишини талаб этиб, компаниялар ўзаро сир сақлаш битимларини тузган ҳолда бир-бирига маълумотларни тақдим этади. Бу жараён менежерлар билан узвий боғлиқ ҳолда иш олиб бориш, улардан турли кўринишдаги сўровномаларни тўлдиришни сўрашдан бошланади. Сўнгра бозор таҳлили, ривожланиш ва ўсиш прогнозларини яратиш, компаниянинг бизнес-режасини таҳлил қилиш, инсонлар/ишчилар салоҳиятини баҳолаш, техника ва технологияларни ўрганиш ва таҳлил қилиш, тест ва синовлар орқали корпоратив стратегиянинг иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, технологик, ҳуқуқий ва экологик омиллар ўзгариши ва таҳдидларига бардош беришини аниқлаш ва бошқалар амалга оширилади. Аксарият

> Бизнес баҳоси ва битим қиймати тарафлар келишувига асосланган ҳолда амалга оширилади, аммо тарафларнинг айни бир бизнес тўғрисида турли нархга тўхталишида қайси жиҳатлар ҳисобга олинганлиги муҳим аҳамият касб этади.



> 12% ҳолларда M&Aдан кейин 3 йил ичида компаниялар M&Aдан кўзда тутилган кўрсаткич ва натижаларга эришади ва қолган 88% ҳолда улар M&Aдан зарар ва йўқотишларга учрайдилар.

ҳолларда корпоратив ривожланиш гуруҳи ёки бошқа гуруҳ маданий ва тил борасидаги муҳим омилларни эътибордан четда қолдиради ва натижада M&Aдан кейинги интеграция жараёнида енгиб бўлмас қийинчиликларга дуч келади. 12% ҳолларда M&Aдан кейин 3 йил ичида компаниялар M&Aдан кўзда тутилган кўрсаткич ва натижаларга эришади ва қолган 88% ҳолда улар M&Aдан зарар ва йўқотишларга учрайдилар. Бу ҳолат айниқса қитъалараро ёки турли миллат ва халқларга мансуб компаниялар ўртасида жуда катта қийинчиликларни юзага келтиради.

M&A кўзда тутилган мақсадга эришиши корпоратив ривожланиш гуруҳи ёки бошқарув тизимидаги менежерларнинг ушбу масалага олдиндан тайёргарлик кўриши ва қўшилган компаниянинг маданияти ва ички тартиб-қоидаларини тўғри ўрганиб, ҳар бир ходимнинг янги маданият ва тартиб-қоидаларга ўрганиши ва ўтишини таъминлаш дастурини ишлаб чиқишига боғлиқ бўлиб, бу интеграция жараёнининг енгил ва кам йўқотишлар билан имкон қадар тезроқ якунланиши имконини беради.

M&A ЖАРАЁНИ ИШТИРОКЧИЛАРИ

M&A мураккаб лойиҳалар сирасига киради ва бунда корпоратив ривожланиш гуруҳи, инвестицион банклар, ҳуқуқшунослар ва турли соҳа ҳамда тоифа мутахассислари иштироки муҳимдир. M&A жараёни асосий иштирокчилари:

- Стратегик маслаҳатчи.
- Жараённи бошқарувчи маслаҳатчи.
- M&Aни ташкил этувчилар.
- Инвестицион банкирлар.
- Бизнес брокерлар.
- Баҳоловчи экспертлар.
- Солиқ ҳисобчиси ва ҳуқуқшунос.
- Аудитор.
- Молия маслаҳатчиси.
- Due diligence маслаҳатчиси.
- Интеграция менежери.

Бу рўйхат ва иштирокчилар ҳар бир M&Aга қараб ўзгариши мумкин, бунда M&A қайси давлатда амалга оширилиши, унинг баҳоси, битим шартлари, сотиб олувчи ва сотувчи жойлашган ёки рўйхатдан ўтган юрисдикцияси ҳам мос равишда ўзгаради.

M&A ЖАРАЁНИНИ БОШҚАРИШ

Музокаралар жараёни 5 босқичга бўлинади ва ҳар бир босқичда малакали мутахассислар музокаралар тамойилларига қатъий риоя этишади (Чизма).

Ҳар бир M&A битими ўзининг бетакрорлиги билан янги, кутилмаган хатарлар ва қийинчиликларга олиб келади. Сотиб олувчи ва сотувчининг хатарлари тўлов шартлари ва турига қараб ўзгаради ва аксарият ҳолларда сотиб олувчида хатар кўпроқ бўлади. 3-жадвалда сотувчи ва сотиб олувчи

Диаграмма

M&A жараёнини бошқариш



Манба: *муаллиф томонидан тузилган.*

3-жадвал

Сотувчи ва сотиб олувчи ўртасида хатарларнинг тақсимланиши

	M&A битими якунланиши олдидан бозор хатари	M&A битими якунланиши олдидан бошқарув хатари
Ҳамма тўлов нақд пул ёки пул ўтказиш йўли билан амалга оширилса		
Сотиб олувчи	Ҳамма хатарлар	Ҳамма хатарлар
Сотувчи	Ҳеч қандай хатар йўқ	Ҳеч қандай хатар йўқ
Қатъий акциялар сони билан тўлов усули		
Сотиб олувчи	Кутилган эгалик қилиш фоизи	Ҳақиқий эгалик қилиш фоизи
Сотувчи	Кутилган эгалик қилиш фоизи	Ҳақиқий эгалик қилиш фоизи
Қатъий қиймат миқдори белгиланган бўлса		
Сотиб олувчи	Ҳамма хатарлар	Ҳақиқий эгалик қилиш фоизи
Сотувчи	Ҳеч қандай хатар йўқ	Ҳақиқий эгалик қилиш фоизи

Манба: *муаллиф томонидан тузилган.*

ўртасида хатарларнинг тақсимланиши ифода этилган.

Хатарлар ва қийинчиликларни камайтириш учун GE Capital Services компанияси The Wheel of Fortune дастурини ишлаб чиқиб, унинг ҳар бир M&A жараёнида қўлланилишини йўлга қўйган. Бу дастурнинг асосий ютуқларидан бири M&Aдан кейин 100 кун мобайнида тарафлар ўзаро ҳамкорликда тушунмовчилик ва қийинчиликларда бирга ишлайди ва масалаларга биргаликда ечим топишади.

M&Ада муваффақият омиллари:

1. M&A имкониятини стратегия, узоқ ва қисқа муддатлар нуқтаи назаридан чуқур баҳолаш.

2. Ишни Due diligence билан бошлаш: компания маданиятини, стратегиясини, молиявий ва ҳуқуқий холатини ўрганиш.

3. Йиғилган маълумотларни талқин этиш.

4. Нишон қилиб олинган компаниянинг маданиятини ва иш тарзини тушуниш.

5. Интеграция жараёни жиддий ва жуда катта аҳамиятга эга.

6. M&A якунланганида зудлик билан ҳар иккала компания бошқарув аъзолари тақдири ва вазифаларига аниқлик киритилиши лозим.

7. Жамоада кучли етакчилар ва турли маданиятларни тушунадиган мутахассислар бўлиши лозим.

8. Интеграция нафақат технологик ва тизимли ҳамоҳангликни, балки маданият ва тартиб-қоидаларнинг ҳам уйғунлашувини таъминлайди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, ҳар бир M&A битими ўзининг бетакрорлиги билан янги, кутилмаган хатарлар ва қийинчиликларни яратади ҳамда бунинг олдини олиш ва осонлик билан енгиб ўтиш учун кўп куч ва ресурслар талаб этилади. Due diligence билан бошланган M&A интеграция билан якунланади ва ҳар бир босқич ҳамда жараён ўз ўрнида тўлиқ ва бекаму кўст бажарилишини талаб этади. Фақат малакали мутахассисларгина M&A жараёнининг муваффақиятли ҳал этилишини таъминлаши мумкин.

Due diligence билан бошланган M&A интеграция билан якунланади ва ҳар бир босқич ҳамда жараён ўз ўрнида тўлиқ ва бекаму кўст бажарилишини талаб этади. Фақат малакали мутахассисларгина M&A жараёнининг муваффақиятли ҳал этилишини таъминлаши мумкин.

ABSTRACTS

THE SECRETS OF MERGERS AND ACQUISITIONS (M&A)

In our daily life, we receive information about changes and events in the world and in the financial sphere through various media. Since the 20th century, the concept of Mergers and Acquisitions (M&A) has entered the system of corporate finance in the global financial markets and in developed countries, in particular, the USA, Great Britain, Japan and others, and M&A has become one of the international terms. The article discusses the features of practical application of M&A.

IBAN-КОД: ПРЕИМУЩЕСТВА И ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ

IBAN (International Bank Account Number) – это номер банковского счета клиента в банке или в другом финансовом учреждении, присвоенный в соответствии с международным стандартом ISO 13616. Он разработан Международной организацией по стандартизации и Европейским комитетом банковских стандартов как международный номер счета получателя денег, его называют также – код IBAN (IBAN code).

Код применяется в соответствии с требованиями Директивы Европейского Союза №2560/2001 «Об обязательном указании кодов IBAN в платежных инструкциях». А с 1 января 2007 г. код IBAN стал единственным идентификатором счета бенефициара для платежей в любой валюте в пользу клиентов банков в странах-членах Европейского Союза и Европейской Экономической Зоны (ES/EEZ). Это означает, что узбекистанцам код IBAN может потребоваться при оформлении денежного перевода из Узбекистана в страны ЕС/ЕЭЗ, если планируется перевод с зачислением на счет получателя, и его вам должен будет сообщить получатель средств, узнав в своем банке.

С этого же периода (01.01.2007 года) банки уполномочены отказываться от проведения платежей, в которых номера счетов указаны не в формате IBAN, что повлечет за собой как невыполнение платежей, так и удержание комиссии за возврат данных платежей. Правда, данное распоряжение распространяется только на платежи во всех иностранных валютах в пользу клиентов банков стран ES/EEZ. Так, отправив денежный перевод без IBAN-кода, допустим, в Германию, человек может получить его назад из-за отказа банка его принять и, кроме того, возвращаемая сумма уменьшится на комиссию за его возврат.

Популярность международных денежных переводов заставила банки перейти на единую стандартизацию счетов. Те, кто хочет получить или послать деньги за границу, сталкиваются с необходимостью узнать реквизиты своего счета в международном формате. При обращении в банк клиенту выдаются реквизиты его счета, но не в привычном формате, а в международном значении.

Такая транскрипция реквизитов нужна для быстрой и дешевой отправки переводов за границу и получения денег из любой страны. IBAN-код был принят по стандарту №13616 ISO и означает международную маркировку любого счета по общепринятому банковскому стандарту. Это позволило привести к единому виду межбанковские и международные расчеты на территории Евросоюза и в других странах.

IBAN является счетом клиента, через который будет происходить перевод или расчет. Если когда-нибудь кто-то звонил на номер абонента другой страны, ему понятно, как неудобно набирать цифры, расположенные в непривычном формате. Было бы намного удобнее, если бы все номера телефонов выглядели одинаково. Примерно такая же ситуация произошла и с

С 1 января 2007 г. код IBAN стал единственным идентификатором счета бенефициара для платежей в любой валюте в пользу клиентов банков в странах-членах Европейского Союза и Европейской Экономической Зоны (ES/EEZ).

Схема

Как расшифровать код IBAN



Источник: *https://esp.md/sites/default/files/screenshot_7.jpg.*

банковскими счетами. Чтобы избежать ошибок и сократить время отправки и приема перевода, все счета приведены к IBAN-коду.

Таким образом, IBAN-код представляет собой буквенно-цифровой набор, по которому можно определить принадлежность реквизитов конкретному получателю и конкретному банку. Также в нем заложен код страны, где обслуживается счет клиента.

СОСТАВ IBAN-КОДА

Структура кода IBAN хоть и утвержденная, но имеет разное количество знаков. Максимальное количество символов не может превышать 34. В коде используются заглавные латинские буквы и цифры.

- Первые два символа указывают код страны банка-получателя в соответствии со стандартом ISO3166-1alfa-2.
- Третий и четвертый символы указывают на контрольное уникальное число, которое также рассчитано по стандарту ISO.
- Символы с 5 по 34 показывают внутригосударственный номер счета, включающий код банка (и его филиала) и номер счета. Длина этой части кода зависит от конкретной страны. Для удобства IBAN-код указывается группами по 4 знака, разделяемых пробелами. В платежных документах IBAN вводится без пробелов или дополнительных знаков. Также код не должен начинаться с обозначений типа IBAN, Acc, Account Number и проч.

Международный идентификатор используется в 50 странах мира. Каждая страна имеет свою длину счета (Таблица).

Таким образом, знать IBAN-код нужно при переводе денежных средств на счет банка, который работает по европейским стандартам. Если код занесен в несоответствующем формате, то иностранные банки могут отказать в исполнении перевода или зачислении его на

Таблица

Пример номеров счетов разных стран

Страна	ISO-код страны	Общая длина IBAN (количество знаков)	Пример IBAN-кода
Австрия	AT	20	AT611904300234573201
Великобритания	GB	22	GB29NWBK60161331926819
Венгрия	HU	28	HU42117730161111101800000000
Германия	DE	22	DE89370400440532013000
Норвегия	NO	15	NO9386011117947
Турция	TR	26	TR330006100519786457841326
Финляндия	FI	18	FI2112345600000785
Франция	FR	27	FR1420041010050500013M02606

Источник: *https://finfocus.today/chto-takoe-iban.html.*

свои счета. При этом должны выполняться следующие условия: операция проводится в инвалюте, счет клиента открыт в банке, работающем по стандартам ЕС. Чтобы не потерять свои деньги и не тратиться на лишнюю комиссию, важно правильно указывать обязательные реквизиты.

ПРИМЕР ЗАПОЛНЕНИЯ ПЛАТЕЖНОГО ДОКУМЕНТА С УКАЗАНИЕМ IBAN-CODE

С указанием IBAN-code отправляются валютные Swift-переводы. Все символы заполняются строго в английской транслитерации заглавными буквами. Вид платежных документов у каждого банка свой, а наименование полей и их заполнение в целом схожи. Заполнение платежного документа на отправку валютного перевода:

- Поле «Отправитель». Заполняется английскими заглавными буквами. Здесь указывается ФИО отправителя, его адрес (город, улица, дом).
- Банк-отправитель. Подтягивается автоматически из системы, в которой делается перевод.
- Банк-получатель или банк-бенефициар. В отдельное поле вводится Swift, по которому подтягивается банк получателя. Информация в системе обновляется ежедневно. Если банк не подтягивается, то нужно уточнить Swift.
- Поле «Бенефициар». Это и есть получатель перевода. Это может быть частное лицо или организация. Указывается в полном соответствии с реквизитами. Для частного лица обязательным является указание адреса проживания.
- IBAN-код. Это счет получателя. Указывается без дополнительных обозначений типа IBAN, Acc. и проч.
- Назначение платежа. Указывается цель перевода, например, «present from mom» или «payment to...». Важно, чтобы цель была понятна, ясна и не двусмысленна.

> IBAN-код представляет собой буквенно-цифровой набор, по которому можно определить принадлежность реквизитов конкретному получателю и конкретному банку.

Проблем со Swift обычно не бывает, поскольку при наличии ошибки банк-получатель не подтянется в системе. А вот с IBAN-кодом нужно быть предельно внимательным. При наличии ошибки перевод может не дойти, а деньги зависнут на невыясненных счетах заграничного банка. Для возврата потребуется время и дополнительные расходы.

Таким образом, для отправки валютного перевода нужно внимательно заполнять все поля. Если перевод совершается в онлайн-банке, то за корректность введенных данных отвечает сам клиент. Платеж подтверждается паролем из СМС. Среднее время доставки отправленного перевода составляет от 2 до 5 рабочих дней. Ранее валютные переводы отправлялись

СПРАВКА

- При отправке денег в страны ЕС без использования счета IBAN отправитель получит их обратно с удержанной комиссией. Такая практика является законной в Европе.
- Электронное платежное поручение отправитель заполняет без пробелов и иных знаков, как в вышеописанном примере венгерского номера счета IBAN.
- В глобальной сети Интернет также можно уточнить правильность заполнения IBAN-code, воспользовавшись, например, сайтом ibancalculator.com.
- Срок отправки перевода – от 2-х до 5-и рабочих дней.
- Для получения перевода в России из иностранного государства достаточно узнать в отечественном банке его код SWIFT, Ваш номер счета и приложить к этому ФИО (обычно наши банки распечатывают бланк с полным перечнем описанных реквизитов).
- Если при получении перевода возникли сложности, рекомендуется дополнительно направить финучреждению код SWIFT, что поможет решить вопрос, связанный с получением денежных средств клиентом.

Источник: *https://finfocus.today/chto-takoe-iban.html*

в течение 14 дней. Введение единых стандартов номеров счетов существенно сократило время зачисления денег и снизило количество ошибок при заполнении реквизитов.

Многие страны СНГ внедрили данный код в своих банках. Так, банки Грузии одними из первых в СНГ перешли на IBAN-код с 3 мая 2010 года. Затем, с 7 июня 2010 года все новые банковские счета в Казахстане открываются в стандарте IBAN. С 7 января 2013 года все банковские счета, используемые при межбанковских расчетах в Азербайджане, переведены на стандартный номер счета IBAN.

Так, по мнению экспертов, переход на IBAN-код даст клиентам банков возможность:

- идентифицировать плательщика и получателя денег, а также банк, который их обслуживает;
- избегать ошибок в реквизитах счетов;
- быстрее проводить переводы и получать средства;
- в будущем использование IBAN также даст возможность применять QR-коды с информацией о нем, что упростит оплату счетов и обмен платежной информацией.

Эксперты отмечают также, что в общем использование IBAN сократит банковские реквизиты и благодаря этому оформлять расчетные документы станет проще.

> Знать IBAN-код нужно при переводе денежных средств на счет банка, который работает по европейским стандартам. Если код занесен в несоответствующем формате, то иностранные банки могут отказать в исполнении перевода или зачислении его на свои счета.

ABSTRACTS

IBAN CODE: ADVANTAGES AND DEVELOPMENT PROSPECTS

The article discusses the peculiarities of the IBAN (International Bank Account Number) – the client's bank account number in a bank or other financial institution, assigned in accordance with the international standard ISO 13616, which developed by the International Organization for Standardization and the European Committee for Banking Standards as an international recipient's account number.

Подготовлено отделом инноваций.

СОВРЕМЕННЫЕ ПЛАТФОРМЫ ВИДЕОБЕЗОПАСНОСТИ

Внедрение новейших технологий ныне становится повсеместным: новейшие технические принципы и решения становятся неотъемлемой частью повседневной жизни человека, направляя, помогая и наблюдая за нами. Благодаря использованию всевозможных мобильных устройств и систем самообслуживания, технологии предоставления услуг дошли до такой стадии развития, когда у представителей бизнеса имеется возможность получить практически любую исчерпывающую информацию о своем клиенте. Парадоксально, но этот воплощенный в жизнь принцип «Знай своего клиента» не удовлетворил, а, напротив, лишь подчеркнул потребность поставщика услуги в получении большего количества данных о потребителе.

Эта книга может служить кратким справочником по вопросам видеонаблюдения, видеобезопасности и защиты данных в ходе проведения банковских операций, а также своеобразной авторской попыткой выявить тенденции, которые будут определять будущее банковских технологий в ближайшие годы.

Активное участие в подготовке данной книги приняли специалисты группы компаний Penki Kontinentai (Литва), на протяжении 25 лет успешно работающей в области телекоммуникаций, технологий для финансового и банковского секторов, в частности, для защиты устройств самообслуживания. BS/2 – компания, входящая в эту группу, – специализируется на предоставлении аутсорсинговых услуг для банков и предприятий розничной торговли, разработке программного обеспечения и поставках банковского оборудования. BS/2 является эксклюзивным партнером немецкого концерна Diebold Nixdorf – крупнейшего мирового производителя оборудования и поставщика готовых решений для финансовых учреждений и других организаций.

Решения и услуги компании BS/2 широко известны на мировом рынке, ее продукция поставляется в 80 стран мира. В их числе – семейство программных продуктов «.iQ». Это – развитый комплекс решений, обеспечивающих безопасность банковских устройств самообслуживания, повышение эффективности их работы и снижение стоимости владения этим дорогостоящим оборудованием.

Так, программное решение ATMeye.iQ, которое предназначено для видеомониторинга банкоматов и других устройств самообслуживания, позволяет составлять подроб-

СПРАВКА

Тахмасиб Дадашев

В настоящее время доцент Московского физико-технического института (технического университета, Россия). Имеет ученую степень кандидата физико-математических наук.

Является автором более 40 научных статей и 6 книг по информационным технологиям, распознаванию образов и программированию. В их числе – «FrontPage 98», «Язык Java в действии. Microsoft Visual J++ 6», «Горизонты телевидения нового столетия».

С 1997 года работает в качестве главного редактора издания «Penki Kontinentai», специализирующемся на проблемах технологического развития банковской отрасли и сферы розничной торговли.

В 2005–2007 годах был приглашен в качестве научного эксперта проекта «Branch Optimizer», который был проведен компанией BS/2 совместно с корпорацией Wincor Nixdorf (Германия). Также принимал участие в ряде проектов компании BS/2, в том числе в проекте «ASOMIS».

ные отчеты о производимых на терминалах действиях с предоставлением фото- и видеоматериалов по транзакционным и иным событиям, а также давать тревожные уведомления для отвечающего за безопасность персонала в режиме реального времени. Таким образом реализуются принципы проактивной защиты для наиболее чувствительной части банковской инфраструктуры; обеспечивается надежное видеонаблюдение за действиями пользователя устройства самообслуживания, снижаются риски, связанные с мошенничеством и вандализмом.

В отличие от фундаментального труда Владо Дамьяновски «Библия видеонаблюдения»[1], в основном, посвященного специализированному аппаратному обеспечению, в этой книге больше внимания уделяется именно программному обеспечению для информационной и видеобезопасности.

Еще 70 лет назад британский писатель Джордж Оруэлл в романе-антиутопии «1984»[2] впервые описал внедрение технологий видеонаблюдения в обществе всеобщего контроля. Читатели смогут оценить его футуристическое видение по эпиграфам к отдельным разделам этой книги.

Задача видеонаблюдения предусматривает визуальный контроль выделенной области пространства посредством одной или нескольких видеокамер, обеспечивающий сохранение и просмотр цифровых видеоданных, а также постоянную оценку состояния контролируемой территории, выявляя так называемые «тревожные события» по изменениям в наблюдаемой обстановке.

Исторически основными функциями системы видеонаблюдения считаются вывод информации на пункт контроля и запись в архив. Большинство производителей платформ охранного телевидения (closed-circuit television; CCTV) ориентированы именно на такую модель работы.

Основной тенденцией в развитии систем видеонаблюдения ныне становится переход от аналогового способа получения (аналоговые камеры), отображения (телевизоры) и хранения видео (видеокассеты) к цифровому (IP-камеры, компьютерные мониторы и цифровые базы данных). Поэтому теперь в построении и эффективной эксплуатации систем видеонаблюдения важную роль играют технологии сжатия, хранения, поиска и передачи цифрового видео.

Автоматические и автоматизированные системы видеонаблюдения являются одной из ключевых составляющих нынешних комплексов безопасности. Современные распределенные системы видеонаблюдения основаны на клиент-серверной архитектуре, и, как правило, вся обработка данных осуществляется на серверной стороне.

---

[1] *Владо Дамьяновски. Библия видеонаблюдения, 3-е издание: Пер. с англ. – М.: Секьюрити Фокус, 2017. – 422 с.: ил. (Серия «Энциклопедия безопасности»).*

[2] *Джордж Оруэлл. «1984» и эссе разных лет. Пер. с англ. – М.: Прогресс, 1989.*

БОЗОРЛАР ХИТОЙНИНГ ИҚТИСОДИЙ СИЁСАТИДАГИ КЕНГ МИҚЁСЛИ ЎЗГАРИШЛАР ТАЪСИРИГА ТАЙЁР ЭМАС

Бозорлар сохта хотиржамлик туйғусида турибди ҳамда Хитой иқтисодий сиёсатидаги сейсмик силжиш таъсирига тайёр эмаслар, дея баёнот берди Saxo Bankнинг бош иқтисодчиси Стин Якобсен.

Якобсеннинг фикрига кўра, Хитойда бутун диққат-эътиборнинг иқтисодиётни қўллаб-қувватлашдан таркибий ислоҳотларга қаратилиши Хитой акцияларининг кучсизланишига олиб келади ва айни вақтда АҚШ доллари ва облигацияларининг даромаддорлиги ошади.

«ХХР раиси Си Цзиньпин, эҳтимол, тараққиёт ва ҳозирги ютуқлардан «мамнунга ўхшайди» ва эндиликда бутун эътиборини биз «глобал сиёсатнинг ваҳимаси» деб атаётган ҳолатга қаратаётган бўлса ажаб эмас», – деди иқтисодчи.

Якобсен АҚШ ва Хитой савдо битимини тузиш ҳақида тўхтамга келишмаган тақдирда, Хитой акцияларининг барқарорлигига ҳамда ёз мавсуми давомида «бирозгина ўсиш бўлиши»га умид қилади.

Олдинроқ ОАВда Хитой ҳукумати мамлакат иқтисодиёти I чорак давомида 2018 йилнинг шу даври билан солиштирганда 6,4%га ошганлиги ва бу таҳлилчиларнинг башоратларидан бироз кўп бўлганлиги маълум қилинганди.

Ўтган йили АҚШ ва Хитой ўртасидаги савдо урушидан сўнг иқтисодиёт зарар кўрганлиги туфайли бир қатор чоралар кўрилган, шу жумладан, банкларнинг кўпроқ қарз бериши рағбатлантирилган эди.

БУЮК БРИТАНИЯ ЕИдан ЧИҚИШ ЧЎЗИЛИБ КЕТГАН БИР ПАЛЛАДА ИНВЕСТИЦИЯЛАР БОРАСИДА МУАММОЛАРГА ДУЧ КЕЛМОҚДА

Буюк Британиянинг Европа Иттифоқидан чиқиш жараёни чўзилиб кетганлиги муносабати билан юзага келган ноаниқлик Британия иқтисодиётида инвестицияларнинг пасайиши кўринишида салбий акс-садо бермоқда.

– Мазкур вазият Буюк Британия ЕИдан чиққунга қадар давом этади, – Goldman Sachs экспертлари шундай башоратни илгари суришди ва ЕИдан чиқиш кечиктирилиши оқибатида Британия иқтисодиётида инвестициялар даражаси пасайиши ҳамда меҳнат унумдорлиги кўрсаткичлари сусайиши сақланиб қолиши мумкинлиги таъкидланган.

Goldman Sachs мижозлар ёзишмаларида қайд этилишича, Британия иқтисодиётида бир неча йиллардан буён инвестициялар қисқариши кўринишидаги «салбий эффект» кузатилаётир. Таҳлилчиларнинг баҳосига кўра, Британия Европа Иттифоқидан ажралишнинг салбий оқибатларини ҳали бу жараён тўлиқ расмийлаштирилмай турибоқ амалда ҳис қилмоқда.

Британия компанияларининг инвестициялари ялпи ўсиши референдум ўтказилган 2016 йилнинг июнь ойидан бошлаб бор-йўғи 0,3%га ортган. Қолаверса, 2018 йил компаниялар инвестицияларининг иқтисодиётда рецессия юз бермаган ҳолда ҳар чорак давомида қисқариб бориши бўйича Буюк Британия учун сўнгги 50 йил ичида биринчиси бўлди.

ЕИдан чиқиш чўзилиб кетган бир паллада Буюк Британия инвестициялар борасида муаммоларни бошдан кечираётир.

Goldman Sachs башоратларига қараганда, инвестициялар даражасининг пасайиши Буюк Британиянинг меҳнат самарадорлиги борасида бошқа ривожланган давлатлардан «сурункали ортда қолиши»га олиб келади.

ПОКИСТОН ВА ХВЖ 6 МЛРД. АҚШ ДОЛЛАРИЛИК КРЕДИТНИНГ ШАРТЛАРИНИ КЕЛИШИБ ОЛИШДИ

Покистон ҳукумати ва Халқаро валюта жамғармаси (ХВЖ) вакиллари Исломободга 6 млрд. АҚШ доллари миқдорида кредит ажратишнинг шартларини келишиб олишди.



«Покистон уч йиллик муддатга 6 миллиард АҚШ доллари миқдоридаги молиявий ёрдам пакетини олади», – деди мамлакат бош вазирининг молиявий масалалар бўйича маслаҳатчиси Абдул Ҳафиз Шайх. ХВЖ делегацияси кредитни тақдим этиш шартлари ва миқдорини муҳокама қилиш мақсадида 29 апрелдан буён Покистонга ташриф буюрган.

Эслатиб ўтиш жоизки, Покистон 1980 йилдан буён ХВЖдан молиявий ёрдам сўраб бир неча маротаба мурожаат қилган, охиргиси – 2013 йилда бўлган эди. Ўшанда Исломободга 6,6 млрд. АҚШ доллари миқдорида қарз берилган.

ХВЖ: РОБОТЛАШТИРИШ БИРИНЧИ НАВБАТДА ХОТИН-ҚИЗЛАРНИ «ИШДАН ЧИҚАРИШИ» МУМКИН

Хотин-қизлар таҳлилий ва коммуникатив малакани талаб қилувчи лавозимларни камроқ эгаллайдилар, жисмоний меҳнатни камроқ бажарадилар ва кўпроқ одатий иш билан машғул бўладилар. Бу Халқаро валюта жамғармаси (ХВЖ) экспертларининг роботлаштириш кейинги 20 йил давомида қандай оқибатларга олиб келиши мумкинлиги тўғрисидаги маърузасига таяниб «Ведомости» тарқатган хабардир. Бироқ тадқиқотда Россия тилга олинмаган: муаллифлар Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилотининг 28 мамлакати, шунингдек Кипр ва Сингапур маълумотларига асосланадилар.

Аёлларнинг «одатий иш билан машғул бўлиш индекси» эркакларникидан 13%га юқори бўлди, хотин-қизлар орасида роботга алмаштириш эҳтимоли ўртача 40%ни, эркаклар орасида – 38%ни ташкил этди. Бу тафовут статистик жиҳатдан аҳамиятлидир, дейилади тадқиқотда.

Хотин-қизлар меҳнатини роботлаштириш хатарлари мамлакатнинг ўзига ҳам боғлиқ: юқори даражада – Жануби-Шарқий Европада ва максимал даражада – Япония, Словакия, Сингапур ва Эстонияда сақланса-да, Скандинавия ва Марказий Европада бу даража минимал кўрсаткичга эга, қолаверса, Швеция ва Финляндияда бундай хатар эркаклар орасида аёлларникидан кўпроқ ҳамдир; шунингдек, иш кучида хотин-қизлар улуши юқори бўлгани сари роботлаштириш оқибатида ишдан маҳрум бўлиш хатари ҳам бир-бирига яқинлашади (бундан чакана савдо мустасно).

Сбербанк раҳбари Герман Греф роботлар «барча қора ишлар»ни бажаради, шу туфайли «бизнинг иш жойларимизда кўпроқ хотин-қизлар барқарор қолишади», деган фикрни билдирган.

Иқтисодчилар роботлаштиришнинг меҳнат бозорига таъсири хусусида баҳслашадилар – ҳар битта қўшимча саноатлашган роботнинг ўрнатилиши учтадан олтитагача ходимни корхонадан сиқиб чиқариши мумкин, дея баҳо беради MIT вакили Дарон Ажам ўғли ва Бостон университетидан Паскуаль Рестрепо.

Хориж матбуоти материаллари асосида тайёрланди.

Илмий-амалий ойлик журнал

БПК

БОЗОР, ПУЛ ВА КРЕДИТ

Ҳурматли муштарийлар!

Нашримизга 2019 йил учун обуна давом этмоқда. Агарда Сиз улгурмаган бўлсангиз, 6 ойлик обунани расмийлаштириш имкониятига эгасиз.

Бунинг учун Сизда обуна бўлишнинг қуйидаги бир қанча турлари мавжуд:

1. Таҳририят www.bpk.uz сайтининг «Обуна» рукнидан шартномани юклаб олинг ва тўғридан-тўғри обунани расмийлаштириб, вақтингиз ва маблағингизни тежанг.
2. «O‘zbekiston pochtasi» AJнинг «Matbuot tarqatish» филиали барча бўлинмалари орқали.
3. «MATBUOT TARQATUVCHI» AKнинг барча бўлинмалари орқали.
4. Шунингдек, фақатгина таҳририят томонидан тавсия этилган, Тошкент шаҳрида ва вилоятларда фаолият юритаётган ҳамда таҳририят билан шартнома имзолаган бир қанча обуна ташкилотлари орқали расмийлаштиришингиз мумкин. Ушбу ташкилотлар орқали обуна расмийлаштирилса, таҳририят журнални ўз вақтида етказишни кафолатлайди:

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ:
«MATBUOT SERVIS» МЧЖ – 71-244-19-64;
«LIDER PRESS» МЧЖ – 71-244-33-63.

АНДИЖОН ВИЛОЯТИ:
«SAYYOR 2017» МЧЖ – 91-112-01-00;
«MATBUOT YETKAZUVCHI» МЧЖ – 97-771-92-24;
«LIDER PRESS» МЧЖ – 71-244-33-63.

БУХОРО ВИЛОЯТИ:
«MATBUOT SERVIS» МЧЖ – 71-244-19-64;
«LIDER PRESS» МЧЖ – 71-244-33-63.

ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ:
«MATBUOT TONGI» МЧЖ – 91-599-58-98;
«LIDER PRESS» МЧЖ – 71-244-33-63.

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ:
«MATBUOT YETKAZUVCHI» МЧЖ – 97-771-92-24;
«LIDER PRESS» МЧЖ – 71-244-33-63.

НАВОИЙ ВИЛОЯТИ:
«MATBUOT TARQATUVCHI» МЧЖ – 97-797-37-73;
«LIDER PRESS» МЧЖ – 71-244-33-63.

НАМАНГАН ВИЛОЯТИ:
«SAYYOR 2017» МЧЖ – 91-112-01-00;
«LIDER PRESS» МЧЖ – 71-244-33-63.

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ:
«MATBUOT UYUSHMASI» МЧЖ – 66-234-03-96;
«LIDER PRESS» МЧЖ – 71-244-33-63.

СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ:
«MATBUOTCHI» МЧЖ – 91-621-95-91;
«LIDER PRESS» МЧЖ – 71-244-33-63.

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ:
«MATBUOT YETKAZUVCHI» МЧЖ – 97-771-92-24;
«SURXON MATBUOT NASHRLARI» МЧЖ – 91-586-70-00;
«LIDER PRESS» МЧЖ – 71-244-33-63.

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ:
«SAYYOR 2017» МЧЖ – 91-112-01-00;
«FARG'ONA MATBUOT POCHTASI» МЧЖ – 90-583-08-80;
«MATBUOT SERVIS» МЧЖ – 71-244-19-64;
«LIDER PRESS» МЧЖ – 71-244-33-63.

ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ:
«MATBUOT SERVIS» МЧЖ – 71-244-19-64;
«LIDER PRESS» МЧЖ – 71-244-33-63.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲРИ:
«KALEON INFORM» МЧЖ – 71-267-33-01;
«MATBUOT SERVIS» МЧЖ – 71-244-19-64;
«INFORM POCHTA» МЧЖ – 71-237-08-70;
«MATBUOT TEZKOR POCHTASI» МЧЖ – 71-233-56-86;
«MATBUOT YETKAZUVCHI» МЧЖ – 97-771-92-24;
«DAVRIY ZIYO NASHRLAR» МЧЖ – 97-707-21-15;
«TOSHKENT MATBUOT TARQATUVCHI MEDIA» МЧЖ – 97-737-30-57;
«SHAGAY PRESS SERVIS» МЧЖ – 95-177-72-06;
«EXPRESS CONTACT» МЧЖ – 93-555-51-13.
«LIDER PRESS» МЧЖ – 71-244-33-63

Обуна индекси: **853**

Сизни қизиқтирган барча саволларга таҳририятнинг қуйидаги телефон рақамлари орқали батафсил маълумот олишингиз мумкин:

(+998)71-291-60-20;
(+998)97-752-44-77

«Бозор, пул ва кредит» журнали Сиз учун энг янги, энг фойдали ва энг қизиқарли маълумотларни тақдим этади!

Хизматлар лицензияланган

ASAKA BANK

ҲУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!

«Асака» банк жамоаси

9 май – Хотира ва Қадрлаш куни билан юртдошларимизни табриклайди ва миллий валютада қуйидаги муддатли омонат турини таклиф этади:

«ХОТИРА»

Омонатга йиллик 21 фоиз ҳисобланади, сақлаш муддати 13 ойгача.
Омонат фақатгина Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва Афғонистон Республикасида жанговар ҳаракатларда қатнашган собиқ ҳарбийлар учун очилади.

Шу билан биргаликда, «Асака» банк миллий ва хорижий валюталарда 10дан ортиқ турдаги қулай шартларда муддатли омонатларни таклиф этади. Омонатларни банкнинг барча филиалларида расмийлаштириш мумкин.

Мурожаат учун телефонлар:

«Асака» банк Бош офиси (78) 120-26-14, 120-26-15.

Филиаллар	Код	Телефонлар	Филиаллар	Код	Телефонлар
Тошкент шаҳар филиали	78	120-83-13	Наманган вилоят филиали	69	227-15-68
Автотранспорт филиали	78	120-39-95	Навоий вилоят филиали	436	770-21-29
Шайхонтоҳур филиали	78	140-39-36	Зарафшон филиали	436	572-40-14
Юнусобод филиали	78	150-93-86	Бухоро вилоят филиали	65	770-05-19
Сирғали филиали	71	257-44-10	Бухоро шаҳар филиали	65	770-11-27
Тошкент вилоят филиали	78	120-84-13	Самарқанд вилоят филиали	66	233-65-47
Андижон вилоят филиали	74	223-60-74	Афросиёб филиали	66	221-71-76
Асака филиали	74	233-21-99	Қашқадарё вилоят филиали	75	221-07-41
Фарҳод филиали	74	226-96-93	Сурхондарё вилоят филиали	76	770-82-12
Фарғона вилоят филиали	73	244-39-14	Қорақалпоғистон филиали	61	770-60-59
Марғилон филиали	73	237-62-23	Хоразм вилоят филиали	62	228-14-81
Олтиариқ филиали	73	432-19-80	Сирдарё вилоят филиали	67	225-44-03
Қўқон филиали	73	542-61-01	Жиззах вилоят филиали	72	226-43-11

Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш жамғармаси томонидан кафолатланади.

Сизнинг омонатларингиз:
- *декларация қилинмайди;*
- *солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод;*
- *маълумотлар сир сақланиши тўлиқ кафолатланади;*
- *эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда;*
- *миқдори чекланмаган.*

«Асака» банк сармоянгизнинг сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди!

www.asakabank.uz

Хизматлар лицензияланган

Уб. 42682с.

NBU

КАРТОЙ ПЛАТИ И В ОТПУСК ЛЕТИ

*Совершайте покупки кобренд картой **VISA** и за каждую покупку получайте мили. Копите мили и обменивайте их на полеты в любую страну. Можно также повысить класс уже купленного рейса с помощью миль. Получите в подарок **1000** миль и страховку. Привилегированная кобренд карта дает владельцу скидки от **5** до **20%** на услуги партнеров программы **VISA**.*

uznbu nbu_official @nbu.official www.nbu.uz 78 148 00 10

Услуги лицензированы